

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 1-yanvar / № 1 (4608)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!
Бетакрор диёримизга янги – 2021 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимизни – кўп миллатли бутун халқимизни ушбу гўзал айём билан чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Азиз дўстлар!

Ҳаммамиз гувоҳимиз, 2020 йил бутун дунё қатори юртимиз учун ҳам оғир ва мураккаб келди. Коронавирус пандемияси, глобал инқироз инсониятни жиддий синовдан ўтказмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятга қарамадан, мард ва олижаноб халқимизнинг матонати, фидокорона меҳнати билан барча соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Иқтисодий-иқтисодий этакчи тармоқларини ривожлантиришга эришдик. Юқори технологияларга асосланган ўйлаб янги корхоналар, транспорт тизимлари ишга туширилди. Замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этдик.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз барча қийинчиликларни мардона энгиб, мўл ҳосил етиштирдилар.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож учун янада кенг имкониятлар очилди. Йил давомида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун минглаб янги иш ўринлари яратилди. Ўтиб бораётган йил жамиятимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтирдик. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Қадрли юртодошлар!
Биз кириб келаётган 2021 йилга яхши ният ва катта режалар билан Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб ном бердик.

Янги йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бошланган кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Азиз ёшларимиз, меҳнатқаш ва оқила опа-сингилларимиз, мухтарам кексаларимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари янги босқичга кўтарилди.

2021 йилда давлатимиз мустақиллигига 30 йил тўлади. Ушбу шонли санани, иншооллох, барчамиз биргалликда муносиб нишонлаймиз.

Янги Ўзбекистонимиз барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган улкан ишларимизни катъий давом эттирамиз.

Азиз ватандошларим, қандонларим!

Шу гўзал окшомада барчамизнинг ниятимиз, тилагимиз битта: юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурад-мақсадга етсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, дунёмиз тинч бўлсин!

Кириб келаётган 2021 йил она диёримизга файзу барака, янги ютуқ ва зафарлар олиб келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси бўладиган муҳташам “Конгресс-холл” мажмуасига кириб борарканмиз, таниқли давлат жамоат арбоблари, адиблар, санъаткорлар, турли соҳа вакилларининг нурли чеҳраларини кўриб, кўнглимиз осмон қаҳар кўтарилди. “Яхшилар юзи жаннатдир”, деб бежиз айтилмаган. Давраларда оҳиста овозда кечаётган суҳбат мавзулари ҳам уйқаш – ўтаётган йил синовлари ва кириб келаётган йил режалари ҳақида.

ИЛМ — ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧ

Президент Мурожаатномаси эл-юрт кўнглидаги сўзлар билан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари ўтаётган йилда кечган дунёвий қўламадаги синовларга халқимиз сабот ва матонат билан жавоб берганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг жамиятимиз ҳаёти кенг қамраб олинган Мурожаатномада энг кўп тақдорланган сўзлардан бири “илм” бўлди.

Илм, интилиш, шароит, рағбат. Жамият ҳаётининг турли соҳаларига йўналтириладиган кўп миллиардлаб маблағлар замирида ана шу мақсадлар рўёби ётади. Афсуски, илмсизлик кўп иллатларга йўл очди. Ташаббуссизлик, лоқайдлик, манманлик ва коррупциянинг илдири кўп жиҳатдан илмсизликка бориб тақалади.

Илмсизлик ўзгалар фикрига қарам бўлиш демакдир. Айрим вазирлик ва идораларда турли қарорлар қабул қилишнинг халдан ташқари марказлашгани, мажлисбозликлар авж олиши сабаби ҳам мана шунда. Хизмат вазифаси ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган баъзи бир ҳоким ўринбосарлари, раҳбар кадрлар, афсуски, оз эмас.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

Нафас ШОДМОНОВ

АДАБИЁТИМИЗ РЕНЕССАНСГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Янги Ўзбекистоннинг бугунги Ренессанс гоёяси жуда кўп самаралар бериши, халқни фахр билан юксак марраларни забт этишига руҳлантириши шубҳасиз. Бугунги кунда ёш насллар томонидан ўтмишининг олтин даврлари сабақлари ўзлаштирилиши гоёяси тўнтанасининг асосий омили бўлиши ҳам айна ҳақиқат.



Дунёда бирор халқнинг тутган маконини белгилаш лозим бўлса, унинг қайси бир соҳада эришган ютуқлари билан бирга ёшларнинг маърифий, интеллектуал, маданий даражаси ҳисобга олинади. Мамлакатимизда илк бор ёшлар форуми ўтказилиб, “Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси”нинг ана шундай жиҳатларини миллий гоёяга мос равишда ривожлантиришга диққат қаратилди. Бунда ёшлар тарбиясида улғу аждодлар ўғит ва кўрсатмалари энг яхши восита бўла олади. Юрт раҳбарининг нутқ, Қарор ва Мурожаатномасида мумтоз адабиётимиз манбалари, хусусан Алишер Навоий ижодида мурожаатларида бу ўз аксини топди.

Нутқда 2020 йил 19 октябрда қабул қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор ҳам эълантиб ўтилди. Дарҳақиқат, бу тарихий қарор халқимиз маънавий ҳаётига, руҳига янги ҳаётбахш насимлар каби бир фараҳли тўлқин олиб кирди. Қарорда таъкидланганидек, “Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва омаллаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Қарорда улғу шоир таваллудининг 580 йиллигини нишонлашни юксак даражада ташкил этиш бўйича барча масалалар қамраб олинган, буюк мутафаккир меросини кенг қўламада ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш орқали халқ тафаккурини буюк ижодкорлик руҳини сингдириш лозимлиги ҳам назарда тутилган.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

СИНОВЛАРДА УЛҒАЙГАН ХАЛҚМИЗ

Инсоннинг умр йўллари бир-бирига ўхшамайди, моҳиятан бир-бирини тақдорламайди. Ҳар бир йилнинг ўз хирмони, фалсафаси, ноёб ҳулосалари, ютуқ-камчиликлари бўлади. Шу маънода 2020 йил бир мамлакат, бир миллат учун эмас, дунё миқёсида, жами инсоният, унинг эртанги кунини, келажагини, ер юзидеги тирикликнинг тақдирини билан бевоқифа боғлиқ аёвсиз синов йили бўлди. Замонавий тиббиёт, шифокорларнинг маҳорати ва садоқати, дори-дармонларнинг сифати билан бирга, дунё давлатлари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат асослари, бу сиёсатда инсон омилининг ўрни, пул-кредит тизими, ҳар бир жамиятга хос маънавий-ахлоқий қадриятлар, меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатлари ҳам синов тарозисига қўйилди. Ўтгани ўтди, ўтмаганининг юзи шувит бўлди.



Пандемия турли давлатлар, жамиятлар, халқаро бирлашмаларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги заиф нуқталарни, илмий тараққиёт ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш ўртасида узилши мажбуриятини ошқор қилди. Синов майдончалари ва лабораторияларидан ташқари чикмаган, эълон қилинган, мукофоти олинган, аммо амалиётга татбиқ этилмаган буюк ютуқлар ҳам шу ҳолича эмас, одамларнинг, эл-юртнинг оғирини энгил, узогини яқин, турмушини мазмуни қилганидагина маълум аҳамият касб этиши ана бир бор маълум бўлди.

Ер юзидеги ҳаётни издан чиқарувчи мураккаб вазиятлар, иқтисодий-сиёсий тангликлар, табиий офатлар, қирғин-барот урушлар авваллари ҳам кўп бўлган. Инсоният уларни ақл-заковат, сабр-тоқат, ҳамжихатлик, ақиллик билан енгган. Омон қолишининг, оғир йўқотишларга учрамамлигининг бошқа йўли бўлмаган.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Пандемия воқеалар ривожини олдиндан кўра олиш қобилиятини, мантқиқий таҳлил ва тафаккурини, аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳаракатларни, шу билан бирга, онгли чекловларни талаб этди.



Шухрат РИЗАЕВ

ҲАЁТИЙ ХУЛОСАЛАР, УЛУҒВОР НИЯТЛАР...

Йил сўнги барча учун айни сарҳисоб палласи – ўтилган йўл, бажарилган ишларни бир-бир ҳаёл кўзгусидан ўтказиб, эртанги режаларни белгиламоқ, истиқбол тарихини чизмоқ палласи. Ана шу ишни мамлакат миқёсида амалга ошириб, эл-юртнинг машварат-муҳокамасида ўтиши, албатта, юрт раҳнамосининг халқ билан, унинг дарду эми, туриш-турмуши, ўй-орзулари билан яшаб, юрт фаровонлиги, Ватан равақати тилагида эканидан далолат. Бу кутлуг издиҳом Ўзбекистонда тўрт ишдирик аънава, ҳатто ўзи-га хос ижтимоий-сиёсий қадрият тусига қираётгани бутун дунёга аён ҳақиқат.



Жорий йилнинг 29 декабрь кунини пойтхатимиздаги мухташам Конгресслар саройида Ўзбекистон Президентининг Республика Олий Мажлиси депутатлари Мурожаатномаси, ўша қадриятнинг яна бир намойиши ўларок, барчамизнинг кори-юмушимизни мушоҳада этиб, шоён ҳулосалар ясаб келаётган 2021 йилга мўлжалларимизни равшан тасаввур этмоқ имконини бериб, қалбга ва тафаккурга муҳрланди. Қарийб уч соат чамаси давом этган маърузада Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётига доир бирор соҳа йўналиш қолмади, барчасига ичдан нигоҳ қаратилиб, керакли умумлашмалар қилинди, келгуси йўл-йўриқлар белгиланди.

Камини бу сафар турли касб-кордаги турфа қатламга мансуб таниш-билиш, дўст-ёр, ҳамкасбу ҳамкорларимизнинг деярли барчаси Мурожаатномага не бир муносабатда эканини дастлабки соатлардаёқ кўриб, гувоҳи бўлиб суюндимки, мазкур тадбирда Президентимиз айтганларидек, “Бугунги халқ кечаги халқ эмас, бугунги Ўзбекистон, кечаги Ўзбекистон эмас”, деган фикр чин ҳақиқатга айланган, энди юртдошларимиз фақат тирикчилиги ташвиши эмас, балки инсонлик қадрини, ўзи, оиласи, хешлари, Ватани ташвишини ҳам ўйлайдиган фаол фикрловчи фуқаролар сирасидан бўла бошлади.

Касбу қорим, хунарим ва, энг аввало, кўнгил майлим адабиёту санъат, маънавият масалаларида бўлгани учун табиийки, Мурожаатномада шу масалаларга доир ҳулоса ва режаларга жиддий қизиқиш билан қарадим.



Ботир ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ранси ўринбосари

БУЮК ИШЛАР КУТМОҚДА

Кунини кеча пойтхатимиздаги “Хумо” аренасида Президентимиз ташаббуси билан бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форуми юртимиз ижтимоий ҳаётида улкан воқеа бўлди.



2020 йилда дунё ҳамжамиятини мушкул аҳволга солиб қўйган коронавирус пандемиясига қарамадан, шижоатли ёшларимиз ўзларининг олижанобликлари билан шароити оғир оилаларга амалий ёрдам кўрсатиб, боболарга муносиб авлод эканликларини кўрсатишди. Ёшларимизнинг ушбу жасорати Форум аввалида юртбошимиз томонидан эътироф этилгани барчамизни қувонтирди. Айниқса, Президентимизнинг ҳаётини мисолларга бой самний нутқи, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш жараёнида ёшларнинг бурч ва вазифаларини аниқ белгилаб бергани барчамизга умид ва куч-қудрат бағишлади.

Шу ўринда ёшларга қуйидаги шеърини мурожаатни йўллагим келди.

Ҳаёт сенга гуллар тутмоқда,
Ёшлиқ фасли жўшиб ўтмоқда,
Эй, суюкли ёш укам, синглим,
Сени буюк ишлар кутмоқда!

Фидойилик — замон талаби,
Қалб талаби, иймон талаби.
Бог кўкларини қутгани каби
Сени буюк ишлар кутмоқда!

Бахтинг шудир — Ватанинг овоз,
Кундан-кунга бўлмоқда обод,
Шиндат билан ўтади ҳаёт,
Сени буюк ишлар кутмоқда!

Йўл ол буюк қурилишларга,
Азм айлағил эзу ишларга,
Айлан Барчин, Алломилларга,
Сени буюк ишлар кутмоқда!

Эзгуликка қодир бўл доим,
Юрт ишига ҳозир бўл доим,
Хар биринг мард, ботир бўл доим,
Сени буюк ишлар кутмоқда!



АДАБИЁТИМИЗ РЕНЕССАНСГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Тараққиёт ва юксалиш йўлидаги ҳар қандай ҳаётий муаммо ва вазифалар ечимини улларга фақат ижодий ёндашувлар билангина ҳал этилиши мумкин. Ҳақиқатан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида муҳим ўрин тутиши, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириши, улар қалбда юксак ахлоқий ва ижодий фазилатларни тарбиялашдаги аҳамияти беки-ёслиги янги Ўйғониш даври пойдевори учун асос бўлиши шубҳасиз.

Мурожаатномада ҳам Президент томонидан улуг бобоқалонимиз мисраларидаги ҳикматга эътибор қаратилди: “Буюк

мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлик истасанг, касби камол эт”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга куёшдек бе-миннат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим”. Ҳақиқатан, Ренессанс истеъдодларининг касби камоли билан таъминланади.

Адабиётга, жумладан, ҳазрат Алишер Навоий ижодига бундай эътибор, ёш авлоднинг ижодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, фақат шу орқалигина буюк кашфиётларга, юксак тараққиётга эришиш мумкин. Бу мамлакатимиз олим ва ижодкорлари, умуман, зиёлиларига жуда катта масъулият юклайди ва уллар

олдига шарафли вазифаларни қўяди. Бу вазифаларнинг бир нечаси мазкур ҳужжатларда кўрсатиб берилган. Жумладан, ижодкорларнинг миллий ўзлик, улуг тарихий ютуқларини, илм-маърифат ва касб-хунарда интилиш, оилани мукаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эзгу кадрларга садоқат каби фазилатларни тараннум этувчи юксак бадиий-эстетик таъсир қувватига эга асарлар яратилиш, олимларимизнинг мутафаккир ажлодларимиз меросини янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш, Навоий асарларини ёш авлодлар руҳига сингдириш учун шоир ижодий меросининг шарҳини яратиш ишларини якунига етказиш ҳамда уларни «Навоий ва ёшлар» махсус дастурида жойлаштириш учун Ёшлар ишлари

агентлигига тақдим этиш белгилаб берилган. Умуман, Алишер Навоийнинг бой ва серкира ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мавжуд қўлёзмалари асосида шоир асарларининг мукамал илмий нашрини, амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформасини яратиш, улуг шоир асарларини узлуксиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш каби қатор вазифалар ҳам олим ва ижодкорлар томонидан амалга оширилади. Булардан ташқари, халқаро миқёсда илмий анжуманлар бошқа турли тадбирлар ўтказилади.

Алишер Навоий ижоди Учинчи Ренессанс пойдевори бунёдкорлари тафаккурини тўғри йўлга солишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Улуг бобоимиз ўз асарларининг бундай шарафли ишларга хизмат қилишини башорат қилиб, “Эй Навоий, дурри назминг хутбадек топкай шараф”, деб ёзган эди. Навоийнинг бутунги авлодларига ҳам шундай шараф насиб этсин!

СОДИҚ ЎГЛИНГМАН, ЮРТИМ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида иштирок этиб, биз, ёшлар билан дилдан суҳбатлашди. Юртбошимиз сўзларини тенгдошларим қатори мен ҳам катта қизиқиб, чексиз ҳаяжон билан тингладим. Ватанимиз равнаки йўлида янада кўпроқ интилишимиз, бор куч, билим ва маҳоратимизни ишга солишимиз лозим, деган фикрга келдим. Бизга яратилаётган имконларни қўриб ич-ичимдан қувондим. Давлатимиз раҳбари ёшлар манфаатини қўлаб қўлаб тақлифлар билдиргани эртанги кунга бўлган ишончимизни янада оширди. Айниқса, икки ва ундан ортиқ фарзанди олий таълим муассасаларида шартнома асосида таҳсил олаётган оилаларга имтиёзли таълим кредитлари ажратилиши, магистратура ва докторантурада ўқиётган ёшларга Президент стипендияси квотасининг икки баробарга оширилиши, ёш тадбиркорларнинг қўлаб-қувватланиши кўнглимиз тубидаги орзулар эди.

Юртбошимиз биз билан мулоқотда тақлифларимизни тинглаб, ўзининг самимий фикрларини билдириб ўтди. Мен ҳам юртимнинг бир фарзанди сифатида ўз тақлифимни билдириб, ушбу шёъримни ўқиб бердим:

**Мен кимман, айтинг, ўзим?
Қайга борар илдимиз?
Порлаган бахт юлдузини
Ёриттай қаёққача?**

**Боболарим ўтган пир,
Биттаси мингга татир.
Алпомишдан титрар зир,
Танишар қалмоққача.**

**Навоий бир фалсафа,
Менинг ёзганим нима?
Умрим етармикан-а,
Навоий бўлмоққача?**

**Гоҳ жўшқин, гоҳ соқиман,
Юрт ишқиде мажнунман.
Ватансиз мен ҳеч кимман,
Билмабман шу чокқача.**

**Бахт-шодлик татир бугун,
Юртим юр, овоз бугун.
Шеър бугун, сатр бугун
Сочимдан тирноққача.**

**Ғам-ташвиш билмас дилим,
Ёруғ келажак йўлим.
Донгинг кетди, эй элим,
Йироққа, йироққача.**

**Отда маҳкам эгарим,
Дилмида кўп айтарим,
Қариндошим, жангарим,
Танишдан ўртоққача.**

**Содиқ ўглинганман, Ватан,
Фидо сенга жон ва тан.
Агар содиқ бўлмасам,
Бир қадам бўлмақчам.**

**Ватан недир – сўзим шу,
Туғилмоқ шу, ўлим шу,
Менинг умр йўлим шу,
Тупроқдан тупроққача.**

Саифиддин ОКАНОВ,
“Мард ўғлон” мукофоти совриндори

Жиззах вилояти

СИНОВЛАРДА УЛҒАЙГАН ХАЛҚИМИЗ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Буни тўғри тушунган давлатлар офат авж отига минмай туриб уни жиловлаш, одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ҳаракатини бошладилар. Кимдир иқтисодий қудратига таяниб, бепарво бўлди, яна кимдир “Қунлар исиб кетса, вирус йўқ бўлиб кетади”, деган тахминга ишонди.

Мамлакатимизда биринчи бемор аниқланиши билан вирусга қарши кенг қўламли амалий ҳаракатлар бошланди. Давлат идоралари, тиббиёт тизими, тегишли ташкилотлар ҳаракатга келди. Давлатимиз раҳбари халқимизга мурожаат қилиб, кўп асрлик тарихимизда не-не бало-қазолар, уруш ва очарчиликлар қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият билан енгиб ўтилгани, бу гал ҳам шундай бўлиши зарурлигини, бу сифатлар асосий ва таъсирчан қуролга айланишини, Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини таъкидлади.

Бу сўзлар одамлар қалбига етиб борди. Бу синовдан албатта ўтишимизга, ижтимоий фаолликка, ижодий фаолиятга, илм-маърифатга, меҳнат жамоаларимизга қайтишга, йўлларнинг очирилишига, тўсиқлар олинишига, ниқоблардан халос бўлган чехраларда яна ҳаёт завқи, яратилиш, бунёдкорлик шукхи жиловланишига ишончимиз ошди.

Шундай бўлди ҳам. Гарчи пандемия давом этаётган бўлса-да, уни жиловлашга, хуружини сусайтиришга эришдик, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини кучли ҳимоя қилиш тизими пайдо бўлди. Тиббиёт тизимининг замонавий базаси мустаҳкамланди, фидойи шифокорларнинг малакаси ошди. Янада муҳими, халқимиз аёвсиз офатга қарши курашда ўтмиш ажлодларимизга ҳо маънавий-ахлоқий фазилатларини ҳамда кучли иродани намоён эди. Яқунланаётган йилимизнинг муҳим ютуқларидан бири шундай. Бизнинг бундан кей-

инги ҳаётимиз пандемия хуружидан қандай хулосалар чиқарганимизга боғлиқ.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, енгил эришилган ютуқдан кўра мислсиз машаққат, қийинчилик, сабр-тоқат, юксак интизом эвазига эришилган ғалаба муҳимроқ. Чунки бундай ютуқ инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан тоблайди, камолга етказиши. Биз бугун, маълум қийинчиликлар, йўқотишлар, узилишларга қарамай, янада кучлимиз, иродамиз, ишончимиз мустаҳкам, ҳамжихатлик билан янги марралар сари ҳаракатдамыз.

Бугун инсоният, у қайси қитъада, гавжум ёки овлоқ жойда яшамасин, Янги йилга ўзини, ҳаёт ва тириклик тақдирини ҳар қачонгидан кўра теран англаган, мушоҳадалари тиниклашган ҳолда кириб келди, деб айта оламиз. Фақат вақт эмас, бу ёруғ оламда кечадиган умримиз ҳам ўтқинчи эканлиги қундай равшан бўлди. Миллий, умуминсоний кадрларга, халоллик, имон-этикодиллик, бағрикенглик, саховатпешалик каби фазилатлар билан бирга, тор қобили қаразли ниятлар, бойликка ружу қўйиш, ўзгаларнинг насибасига қўз тикниш каби чиркин иллатлар ҳам ёнма-ён яшаётганидан воқиф бўлдик. Инсониятнинг келажаги вирус сабаб тақдирнинг аёвсиз тарозисига қўйилганида, минг туяга етиб ортадиган бойликлар ҳам арзимас матоҳга айланиши мумкинлигини ҳис этдик. Инсон бойлигини эмас, бойлик инсонни бошқаришга ўтаётгани ғоят таассуфли. Пандемия пайтида дунё бойларининг шахсий маблағи 2 триллион долларга кўпайгани маълум қилинди, турли мамлакатларда эликта янги миллиардерлар пайдо бўлган. Кимнинг ва ниманинг ҳисобига? Коронавирус туфайли ҳар кун 400 миллиард доллар зиён кўриляётган бир пайтда шунча бойлик қардан келди? Бойлиги тинимсиз ортаётганларни билдик, аммо иш жойидан, тирикчилик манбаидан жудо бўлганларнинг ҳисоби борми? Эндилликда уларнинг аҳоли қандай кечади? Шундай саволлар қўйишга ҳақимизми? Ҳақимиз, албатта.

Ҳаракат, ишонч, масъулият, баланд руҳ билан энг оғир муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкин. Янги йилнинг режалари жуда қўламли. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айтиб ўтилганидек, халқимиз, ёшларимиз кечаги халқ, кечаги ёшлар эмас. Биз бугун кун сайин, йил сайин янгиланаётган, янги ўйғониш фазлига пойдевор яратаётган Ўзбекистонда яшамокдамиз. Жуда катта шиддат олганмиз. Пандемия шароитида орттирган тажрибамиз билан бу шиддатни сақлаб қолишимиз, иқтисодий, маънавий юксалишда давом этмоғимиз зарур. Мурожаатномада бошқарув тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиш, раҳбар кадрлар малакасини, таълим-тарбия сифатини ошириш, олий таълимда бошланган ислохотларни давом эттириш, истеъдодли, шижоатли ёшларни қўлаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, матбуот билан соғлом ҳамкорлик қилиш йилнинг муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилди.

“Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йилида 23 миллиард доллар миқдордаги инвестицияни ўзлаштириш қўзда тутилган. Пойтахтимизда истиклолимизнинг 30 йиллигига бағишланган замонавий мажмуа бунёд этилади. Халқаро Тошкент кинофестивали қайта тикланади. Янги йилда Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташкилотига раислик қилади. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшаш умуммиллий ҳаракатга айланади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодиримиз.

ҲАЁТИЙ ХУЛОСАЛАР, УЛУҒВОР НИЯТЛАР

Тошкент марказида янги Миллий академик театр биносини, Маънавият ва маърифат саройи мажмуини, машҳур япон меймори тархи асосида қуриладиган Санъат музейини, янги кутубхона, маданият уйлари барпо этиш, таъмирлаш масалаларига ургу берилиб, режалар баён этилганида, бори истиқом аҳли билан оёққа қалқиб олқишладим, юракдан шодландим. Айниқса, халқаро Тошкент кинофестивалини тиклаб, янги шаклу шамоийилда ўтказиш ҳақидаги тақлиф-фикр кўпгина ёруғ хотираларни ҳаёлда жонлантирди.

1968 йилдан то 1988 йилга қадар ҳар икки йилда бир бор ўн мартаба ва Мустақиллик йиллари яна бир марта – 1998 йилда ўтказилган

Халқаро киноанжуман ўша даврлардаёқ азим шахримиз Тошкент номига оламга машҳур қилган эди. Осие, Африка ва Лотин Америкаси китъаларининг дўстлик ва биродарлик мадҳига айланган бу фестивал қанчадан-қанча Ўзбекистон фуқароларининг қалбига кириб, маънавиятини бойитган, тасаввурларини, туйғуларини тарбиялаган эди.

Одатда, кинофестиваллар ва шу каби халқаро тадбирлар ўз имкониятларининг чамалаб, борининг намойиши этиш, ўзгаларнинг имконият ва яратиларини кўриб, киёслаб қилиш, хулосалар чиқариш учун энг мақбул йўл ҳисобланади. Шу маънода бугун ўзбек миллий кино санъатида мактанса аризулик асарлар – бадиий, ҳужжатли фильмлар бор ва уллар му-

носиб равишда жаҳоннинг турли нуфузли кинофестивалларида эътироф этиб келинмоқда. Яқиндагина истеъдодли режиссёримиз Ёлқин Тўйчиевнинг “Фариданинг икки минг кўшиги” фильми “Москва премьераси” халқаро фестивалида бош совринни, кунни кеча режиссёр Аюб Шаҳобидиновнинг “Рангиз тушлар” бадиий фильми “Энг яхши киносценарий” йўналишида Бангладеш халқаро кинофестивалида ғолибликни қўлга киритди. Шу йил Хотира ва кадрлаш қунида намойиш этилган “Илҳак” бадиий фильми эса ўзбек кино санъатининг сўнгги уч-тўрт йилда нақадар миқёс ва қиммат касб этганининг исботи бўлди.

Атоқли ва ёш кинорежиссёрларимиз бугун тарихий мавзуларга дадил ёндашиб, эътиборли

фильмларни суратга олишмоқда. Бугун киносевар халқимиз миллий киномиз ва кинематография масалаларига ниҳоятда жонли қизиқиб билдираётганини турли электрон воситалар, ижтимоий тармоқлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ошқора сездиқмоқда. Ана шу кайфият Тошкент халқаро кинофестивали ҳақидаги Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномасидаги тақлифига мувофиқ ва айни муддао эканини яна бир қарра аён этди. Умуман, Олий Мажлис депутатлари ва халқимизга Мурожаат — мамлакатимиз раҳамосининг кизгин маърузаси Ўзбекистон фуқароларининг ҳам, юртимизга хайрихоҳ ва унга қизиқётган ҳар бир инсонни ҳам бефарқ қолдирмайдиган тарихий ҳодиса бўлиб қолади, албатта.

ДОСТОНЛАРГА АРЗИГУЛИК КУНЛАР

Янги йил яқинлашиши билан юраклар орзиқиб, қандайдир мўъжиза кутилади. Ўз халқи тақдири, келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллайдиган Мурожаатномасини ана шундай ҳаяжон билан кутиши анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар форумида билдирган фикрларидан юзага келган ҳаяжонимиз ҳали босилмасдан туриб, қўлаб тенгдошларим, дўстларим тақдирини муҳим бурилиш ясайдиган хуш-хабарлар янгради. Мана уллардан бири: “Олий ўқув юртларида киришда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг кизлари учун грантлар 2 баробарга кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилди”.

Бу дегани, илм олиш истагида ёнаётган, аммо имконияти йўқ опа-сингилларимизнинг исм-шарифлари келажакда “аёллар дафтари” да эмас, балки юрт равнаки йўлида шижоат билан хизмат қилаётган фаол аёллар рўйхатида туради.

Юртимизнинг биринчи навбатда биз, ёшлардан кутадиган жиҳат – ташаббускорлик! Биз ҳозир фойдаланаётган имтиёزلар, биз иштирок этаётган тадбирлар, танловлар қайсидир тенгдошимизнинг ташаббуси бўлиши мумкин. Демак, бизнинг турли соҳалардаги ташаб-

бахорини ўтқинчи шамолларга бой бераётган баъзи тенгдошларимизни ўз сафимизга қорлаш ҳар биримизнинг максадимиз бўлиши шарт. Юртбошимиз ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидега қуйидаги мисрани бежиз эсламадилар:

**Кўёшлик истасанг,
Камол гар касб этарсен,
Бемалол эт.**

Неча асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу ҷакирик, Учинчи Ренессанс бўсағасида турган мамлакат ёшлари учун янада қимматли ва долзарбдир. Ёшларнинг илм эгаллаши, ўз салоҳияти, бор имкониятини кўрсата олиши учун қулай шароит ва имконият яратиш йўлида муҳим қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбарининг олдимизга қўйган муҳим вазифаларидан яна бири шундай: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синоки, Мирзо Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”.

Мурожаатномада бу каби хуш-хабарлар кўп. Уларни нафақат



шу юртининг фарзанди сифатида, балки бир ёш ижодкор, қалам эгаси сифатида ҳам қабул қилдим. Ўзимга тегишли вазифаларни аниқ белгилаб олдим. Кириб келаётган Янги йил ҳар биримиз учун муҳим. Сабаби ушбу йилда мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги кенг нишонланади. Ўттиз ёш инсон умрининг навқирон ва шу билан бирга оёққа туриб олган даври. Истиклол ҳар биримизнинг ҳаётимизга ўз дастхатини қўйиб улгурди. Бу тарихий кунлар шеър бўлишга, дoston бўлишга арзийди.

Кумуш АБДУСАЛОМОВА,
Алишер Навоий номидега ўзбеки-
тили ва адабиёти
университети магистранти

КЕЛАЖАККА ИШОНЧИМ МУСТАҲКАМ

Очиғи, бундай юксак унвонни қутмаганим. Ўзбекистон тасвирий санъатининг хайкалтарошлик йўналишида озми-кўпми хизматларим Президентимиз томонидан шу унвонга лойиқ қўрилгани мен учун катта шараф. Қолаверса, бу эътирофини бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилиб, қўлидан келганча истеъдодини намоён этаётган ёшларга эътибор, деб биламан. Албатта, бу унвон айни пайтда жуда катта масъулият ҳам юклайди. Халқ рассоми ўз номи билан халқ учун хизмат қилиши керак.

Халқимизнинг ардоқли инсонлари хотирасини абадийлаштириш ишига маҳобатли хайкалларим билан озми-кўпми ҳисса қўшганимдан хурсандман. Булар ҳаммаси тарихий воқеалар, тарихий жараёнлар. Президентимиз айтганларидек, ҳақиқатан ҳам Учинчи Ренессансга қадим қўяпмиз. Буни тасвирий санъат йўналишида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугун ўзимни энг бахтли ижодкор, энг бахтли ёшлардан, деб биламан. Шу икки-уч йил орасида “Адиблар хибони”да Муқимий, Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидов каби бетакрор шоирлар хайкалини бронза-

дан ясаб насиб этди. Пойтахтимизда Президентимиз ташаббуслари билан бунёд этилган Ғалаба боғида “Мангу жасорат” мажмуаси бунёд этилди. Унда генерал Собир Раҳимов ва унинг атрофида ўн тўрт нафар ўзбек қаҳрамонининг хайкали ўрнатилди. Шу жойда “Матонат мадҳияси”, яъни ҳовободлик Зулфия Зокировага бағишланган хайкалтарошлик композицияси яратилди. Мажмуадаги кўп сонли хайкалларнинг муаллифларидан бири эканимдан қувонаман. 2019 йилда Франциянинг Велмазион шаҳрида тиббиёт отаси Ибн Синога хайкал ўрнатилгани. Ўтган йили декабрь ойининг бошларида Испаниянинг Комплутенсия университетидега буюк аллома Муҳаммад Хоразмий сиймоси акс этган муаллифлик хайкалини қад кўтарди.

Юксак фахрий унвон ҳаётимни, ижодимни сарҳисоб қилиб, келажакдаги режаларимни кўриб чиқишга ундайди. Эндилликда ижодда янада кўпроқ натижаларга эришишга, Президентимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Жасванд АННАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми

ЮРАГИМНИ ЁРИТИШУВЧИ НУР

Зебо МИРЗО



Худо ҳақки,
 Ёниқ умидинг берган,
 Лахзани ўчира олмади Ҳаёт!..
 ...Аммо... Сен келмадинг..
 ...балки билмадинг..
 шу тош ичидадир – Жаннатим – Борим!..
 Эй, ёрик юрагим ёритувчи нур,
 қахлар қаърини ёргувчи Ёрим!..
 ...Қаршингда турибман
 Тошхайкал каби,
 Куёшим, оловли кўлларингни кўй! –
 Шу лахза..
 Эриди Коинот калби!
 Шу лахза..
 Мўъжиза рўй беради... Рўй!..
 Кўлларинг учуда
 турибди афсун,
 Кўлларинг учуда – Илоҳий фурсат!
 Дунё етиб келди
 Милён йилдан сўнг –
 Мўъжиза эканим дунёга кўрсат!..
 ...Мен – бир тош..
 Сабртош..
 Сенинг Илмингда –
 Мангу Тилсимланган тилсиз Тилсимтош!
 Чаккилар, довуллар,
 Изгири дўллар
 Минг йил юрагимни этдилар талаш!..

ОТА ЮРТ

Қайлардан бошланар тарихинг, Ватан?
 Балки Момо Ҳаво эртақларидан?
 Балки Одам Ато қадам кўйган ер,
 Ё Ўрхун – Энасой битикларидан?
 Балки юз миллион йиллар илгари
 Одамзод қавмининг қадим жонидан?
 Тешиктош горидан,
 ё ундан нари
 Тупрокка тўқилган киндик кинидан.
 Сопол синиклари,
 гишт парчалари –
 Булар тилсиз мозий ташлаб кетган хат.
 Хар бири бир сарой,
 хар бири кўрғон,
 Хар бири дунёга нур берган давлат!
 Сахро тишларида гижирлайди кум,
 Зардўшт ўчогида гурлаган ўтда,
 Дунё тамаддуни оташдонидан
 Биргина чўғ излаб келади Будда!
 Ер ютган қалъалар,
 тупроқ тепалар
 Неча минг асрлик хамроҳи ойнинг.
 Балки илк мусаввир,
 балки илк шоир –
 Ўтқир қоялари Зараутсойнинг?
 Адашиб кетаман,
 остоналардан
 Бостириб келаркан пойғир асрлар.
 Кўлларим теккан хар вайроналардан
 Тиклана бошлайди олтин касрлар.

...Қайлардан бошланар тарихинг, Ватан?
 Балки Бойчборнинг қанотларидан?
 Овозинг келади
 гоҳ ер қаъридан,
 Гоҳида Алпомиш баётларидан!
 Қанча узок кирсам бағрингга шунча
 Чуқурроқ қалбимга отасан илди.

Тобора порлайди осмон токида

Сенинг номинг билан хар битта юлдуз!
 Эй улдуз давронлар бунёдкори – халқ,
 Мағрибу Машриқнинг буюк қарвони,
 Уммонлар тўсмаса эди йўлингни,
 Айланиб чиқардинг бутун дунёни!
 Эй, Тангри назари тушган ота юрт,
 Хар он, хар зарраси
 сийланган тупроқ.
 Учар аргумоклар изидан пишиб,
 Валийлар руҳидан ийланган тупроқ.
 Сенга сочилгандир шаҳидлар хоки,
 Сенга ёғилгандир Кавсар булоғи.
 Шу боис сен Фирдавс боғсан ёки
 Сендан олингандир жаннат тупроғи!
 Йўқ яна адашдим,
 қулочим ёйсам,
 Нега дил қанотим йиғмайсан, Ватан?
 Сенинг илқинг етган сарҳадларингни
 Чизсам харитага сизмайсан, Ватан!
 Кўкдан бошланмаса
 агар манзилинг
 Коинот бағрини этармидинг банд?
 Бутун ер юзининг эди сайқали,
 Бугун самолардан боқар Самарканд!
 Томирларинг излаб
 Томирларимдан,
 Балки ўз-ўзимга етянман, Ватан!
 Сенга аталган шу бошимни олиб,
 Сенинг юрагингга кетяпман, Ватан!..

У
 У – эҳром;
 Минг йиллик кум барханлари
 бағрида беркинган каср гумбаз,
 У – қулоҳ..
 Ё ерга асосин уриб,
 Сув чиқарган ҳазрат Хизр қулбаси.
 Ёки...

Одам Ато – алпқомат хилқат,

Ҳаво кўз ёшларин унда нўш этган?
 Сўнгра айрилиқнинг чексиз чўлида,
 Бу улкан қосани
 тўнтариб кетган?
 Ёки у..
 Мажнуннинг чашм чашмаси –
 Асрий бир соғинчнинг захрига чўмган;
 Бу дунёдан топмай
 севги наъшасини,
 Зулм зулматидан кўзларин юмган?
 У –
 ошиқ юраги кўмилган қабр,
 Мангу йиғлаб ётар хижрон дастидан.
 У –
 Лайли жасади ташланган қудук,
 Ойдаи чайқалади осмон остида..
 У –
 жаннат қушлари йиғилган қавсар,
 Жон истаб,
 жон сўраб Маккадан келган,
 У –
 маҳшар қунига сақланган хумдон –
 Ловуллаган сахро бўҳрони билган.
 У –
 дўзах қаърида бир қафтгина СУВ..
 Токи бу дунёнинг паймони битмас;
 Қақраган лабларнинг оташгоҳида
 Ҳеч ким,
 Ҳеч ким
 Ундан тиланмай ўтмас!..

Кимдир ёнда,

Ким телефонда,
 Кимда эса мусиқа – шовкин.
 Ийлангандай бир тегирмонда
 Айланарди бир хилда оқим.
 Бокмас эди биров-бировга,
 Ҳамма зада, асабий, ташвиш.
 Тўқнашгандай гўё ёв-ёвга,
 Бирок унда сокин оройиш?..
 У жудаём тинч эди. Чақноқ
 Кўзларини узмасди ердан.
 Хайдовчига ўгрилиб ногоҳ,
 Ишоралар қилди у бирдан!
 Барқ ургандай ҳамма тинч бўлди!
 ...Орта қолди бир-икки бекаг..
 Ногоҳ уни кимдир тушунди,
 Жон ҳолатда деди: «Ҳой, тўхтат!»
 ...Аёл қулди. Ва таъзим қилди,
 Уни топган инсонга рози.
 ...Бу шовкинзор ичида унинг
 Ғоят гўзал эди овози!..

ТОШ
 Мен – бир тош –
 Ёрилтош..
 Сенинг умрингда,
 Сени кута-кута метин бўлган тош!
 Чақмоқлар, довуллар,
 Изгири, дўллар..
 Минг йил юрагимни этдилар тарош!..
 ...Мен бир дарё эдим..
 нур – шарор эдим..
 Сенсиз..
 Тошқинларим тошдай асрадим!
 Юлдузлар кўз ёшин тўққан дунёда
 Тунги Осмон каби оқди ҳасратим!..
 «Ёрил, ёрил» – дея
 Ёлворди йиллар,
 Ич-ичимдан ёқди Олов гирдубод!

ПОРТРЕТ: ОВОЗСИЗ КАДРЛАР

Аёл чиқди
 Автоуловга,
 Чиқди шошиб, чиқди адашиб.
 Бокмас эди биров-бировга,
 Кетар эди ҳамма гаплашиб!..

Нормурод НОРҚОБИЛОВ



Хайрулла итдан жуда кўрқадди: аини мактаб ёшига етганида кўшнинг хирсадай кўппаги тўсадан таппа босиб талаган. Баданида тиш излари – узун-қиска хунук чандиклар қолган... Шу-шу итни кўрса, беихтиёр, юраги увишиб, ўзини но-хуш ҳис эта бошлайди.

Буни қарангки, дард устига чиққан гандек, кишлоқ итлари ҳам уни ёқирмайди, соясида, яъни қадам тўшувиданок сезишади. Агар ростига кўчар бўлсақ, барига ўзи, жуъръатсизлиги айбдор, хатто кўча четиди тинчгина мулраб ётган ит ёнидан ҳам бемалол ўтиб кетолмайди – танидаги чандиклар сим-сим оғриб ва кичишиб, кўрққан олдин мушт кўтарар қабилда, дарров дўклашага тушади: “Тур, йўқол!” Жонивор кўз оқсаки, нарида микти гавдали қорамағиз бир кимса кўрқув тўла кичкина кўзларини чақчайтирган кўйи ер тепиниб, қалтак ўқталиб турибди. Аини шу хатти-ҳаракати билан у шунчаки номига ириллаб нари кетадиган итнинг ҳам, қалтаксиз чекинмай-диганининг ҳам хотирасига маҳкам муҳрланиб қолади ва натижада ҳар ўтган-қайтганида ақиллаб жонига тега бошлайди.

У, нечун одамлар ит асрашади-я, дея минг бора боши қотирса-да, лекин бу ўйини сира ошқор этмайди. Мабодо, тиша чиқарар эрса, итлардан ўлар даражада чўчши барчага маълум, бекорга маъна бўлгани қолади. У эса буни истамади ва хар йили кўкламда кишлоқ оралаб, итларга қирон келтириб кетадиган гуруҳ ташрифидан ўзида йўқ қувониб, боши кўкка етади. Афсуски, унинг кун-вончи кўнга чўзилмайди, яшил фасл адоқлаб улгурмай, кишлоқда яна кучуқлар овози эшитила бошлайди ва кўп ўтмай, бу ярамас махлуқлар росана итга айланади-қўяди. У тагин заранг таёғини кўлига олишига тўғри келади. Боз устига, баъзи бир ҳамқишлоқлари йўлини қилиб бўлса-да, итни киргиндан асраб қолиша уринади. Овул кун-чиқишидаги кўхна кўрғон эгаси Жовли жувозкаш бу сафар ҳам итни сақлаб қолган, Хайрулланинг газабни қайнаб, тўғри унинг олдида борди. Эгасининг бир дўкиданок супа ёнига писиб ётиб олган олапарга бармоғини бигиз қилиб, деди: “Бунинг лошини қузғунларга ем қиламан! Нимаси бу, ўтсам ҳам, қайтсам ҳам нукул менга ёпишади! То-загина жонимга тегиб кетди-ку, ахир!” Жовли жувозкаш босиб одам, йигитни тинчлантириб, итнинг бўйнига занжир илди. Бирок жониворга раҳми келиб, орадан ҳафта ўтмай тагин ўз эркига қўйиб юборди. Хайрулла олапарни бир ёқлик қилишни кўп ўйлади, ўзича минг бир режа тузди. Аммо табиатан раҳмдил эмасми, нохуш ишга қўл урولмади.

Бу орада кузнинг салқин кунлари ниҳоялаб, йиғим-терим ишлари якун топган, киш-

локларда кишки тўй мавсуми бошланди. Хар дамидан кўра, узокроқ давом этган қорасо-вуқдан сўнг ерга кетма-кет қор тушиб, киши-лар қайфияти беҳад чоғ бўлди. Ана шундай кунлардан бирида оқшош жўралари Хайрулла-ни кўшни кишлоқдаги тўйга етаклаб қолдилар. Йигитлар тўйхонага ташриф буюриб, одатий расм-русумларни адо этишган, дашт улумига кўра, улар тўйхона яқинидаги хонадонлардан бирига – аввалдан белгилаб қўйилган кўноқхо-нага тақлиф этилди. Ташқарида тизза бўйи қор, совуқ чирсиллайди, ичкарида чўян печкада ўт лангиллайди. Тўкин дастурхонни теварақлаган йигитларнинг юз-кўзларида маъсуллик – улар йилнинг тўққиз ойи давомида дала-даштда тер тўкиб, бу хилдаги зиёфатларни роса соғиниш-ган эмасми, беҳад яйрашмоқда эди. Бунинг устига, хонадон эгаси ўта меҳмондўст чиқиб қолди, тўйхонадан юборилган масалликлар-га қаноат қилмай, қовурилган эт тўлдирилган хумни қавлаштириб, қаттақон қуркани қозонга бостирибди. Биладики, мабодо, эрта бир кун ўзлари ҳам йигитлар томонга кўноқлаб борар бўлишса, улар ҳам қараб турмайди. Табиий-ки, бу саъй-ҳаракатда таъма эмас, азалий удум йўриги устувор эди.

Хайрулла “кетаман”га тушиб қолганида, гу-рунгни уйини қуйдираётган йигитлар қовурдоқ-ни паккос тушириб, ҳазм қилишга ҳам улгурган-

бас, онаси яғринига бир-икки шапати тушириб, дарров тинчлана қолади. Мабодо, қаллиги ко-воғини уяр бўлса, у қуйидаги гапини шеър йў-синда ирод этиб, дейди: “Овқи кўзим*”, сени дея ҳалақининг итидай жуғуриб келдим! Қору музларда сирпаниб, қоптоқдайин думалаб кел-дим! Бунинг бари баврим ёниб, қаттиқ соғин-маганимдан сени! Акс холда тонг азонда кўрар эдинг қорамни!” Биладики, бу гапидан кейин қаллиги майин жилмаяди. У жилмайганида уйи нурга тўлгандай бўлади.

Хайрулла шуларни хаёлидан ўтказаркан, ҳа-жжони зўриғидан кўксининг теран қаъридан кў-шикка ўхшаб ёқимли бир нидо қалқиб чиқиди, аммо сира қутилмаганда нақ бўғзида тошдек қо-тиб қолди.

Кўзларига ишонгиси келмади..
 Ярим тунда даштда ит нима қилиб юрибди?!
 Ия, қелбати итга ўхшамайди-ку!
 Нахотки..
 У беихтиёр олға жиларкан, тепанинг сўл ка-нотиди, чамаси, етмиш одимча нарида чўнкайиб турган кўланка ҳам аста оёққа қалқиди. Кўлан-ка оёқларини билан Хайрулла унинг бўрилиги-га яққол ишонч ҳосил қилди. У илгари ҳам бир неча бор жондарга йўлиққан, аммо яққа-ёлғиз бўлмагани учун кўрқув сезмаганди. Ҳозир эса танҳо, шунга кўра, жони товоғига тушиб, аззои баданига муз югурди. Бу балодан қочиб қуту-

чўнтағидан гугуртни оларкан, бу сафар унинг айтганларини ҳақиқат деб билди. Шунинг учун биринчи чақилган чўп – ўтдан қултаниб, кишлоқ сари жадал олға юрди. Маълум бир масофадан сўнг иккинчи гугурт чўпини қақди. Чол айтгани-дек, йирткич етмиш-саксон одимча ортада, ер ис-каб, соядай эргашиб келарди.

У музлаб, тарашадай қотган йўлдан илдам илгарилашда давом этаркан, салдан кейин, ман-зилгача гугурт чўплари етармикан, деган ўй-дан жиддий хавотирга тушиб, кишлоғи томон ҳасрат ила боқди. Ва шунда умрида илк бора тирикликнинг нечоғли тотли эканини бор вужу-ди билан туйиб, эшикка термулиб ўтирган қал-лиғини ҳаддан зиёд суйишини англаб етди. Кеча тунда қаллиги қайноқ дудокларини қулоғига тегишиб, минг бир истиҳола билан, “ғумонам бордай”, деган эди. Бу хушхабардан у эсини йўқотар даражада қувониб, тугилмаган гўдак-ка оталик меҳрини ҳис этиб, орзулар уммонида роса қулоқ отганди.

Мана энди, нурли орзу—ўйлари жуда узокда, ажал эса шундоқ ортида эди. У икки йил бурун қорли тунда яёв йўлга чиқиб, бўриларга ем бўл-ган тоғлик аскар йигит фожасини эслади. Бежиз эмас, чунки олис юртдан қайтаётган аскар жи-гарлари дийдорига тезроқ етишмоқ ўйда бемав-рид шошилганидек, қаллиғини дея у ҳам уйига ошқикан эди-да. Бўлак вақт осмон узилиб ерга

чўнтағидан гугуртни оларкан, бу сафар унинг айтганларини ҳақиқат деб билди. Шунинг учун биринчи чақилган чўп – ўтдан қултаниб, кишлоқ сари жадал олға юрди. Маълум бир масофадан сўнг иккинчи гугурт чўпини қақди. Чол айтгани-дек, йирткич етмиш-саксон одимча ортада, ер ис-каб, соядай эргашиб келарди.

У музлаб, тарашадай қотган йўлдан илдам илгарилашда давом этаркан, салдан кейин, ман-зилгача гугурт чўплари етармикан, деган ўй-дан жиддий хавотирга тушиб, кишлоғи томон ҳасрат ила боқди. Ва шунда умрида илк бора тирикликнинг нечоғли тотли эканини бор вужу-ди билан туйиб, эшикка термулиб ўтирган қал-лиғини ҳаддан зиёд суйишини англаб етди. Кеча тунда қаллиги қайноқ дудокларини қулоғига тегишиб, минг бир истиҳола билан, “ғумонам бордай”, деган эди. Бу хушхабардан у эсини йўқотар даражада қувониб, тугилмаган гўдак-ка оталик меҳрини ҳис этиб, орзулар уммонида роса қулоқ отганди.

Мана энди, нурли орзу—ўйлари жуда узокда, ажал эса шундоқ ортида эди. У икки йил бурун қорли тунда яёв йўлга чиқиб, бўриларга ем бўл-ган тоғлик аскар йигит фожасини эслади. Бежиз эмас, чунки олис юртдан қайтаётган аскар жи-гарлари дийдорига тезроқ етишмоқ ўйда бемав-рид шошилганидек, қаллиғини дея у ҳам уйига ошқикан эди-да. Бўлак вақт осмон узилиб ерга

ХИКОЯ

колганини идрок этиши билан, умрида бирин-чи бор, Яратганга шукроналар айтиб, беихти-ёр ҳикиллаб йиғлашага тушди. Бундан уяллади, зеро, уят нелигини ўйламади ва ўйлайдиган аҳволда эмасди ҳам.

Бу орада елдек етиб келган олапар ундан бир одим нари ўтмади, яъни қилт этмай турган бўри-га бет бўлишга жуъръати етмади. Қаватида сек-кайиб турган одам боласидан пишан қутиб, ово-зига зўр берганча ақиллашда давом этди. Бирок Хайрулла на итга дадда берди, на йирткичага э-тибор қаратди. Кўчада қалтак еб, уйига ошқикан йиғлоқи боладай, ҳикиллаганча кишлоқ сари жилди. Олапар дарров унга дум бўлди, йўқ-йўқ, бел бўлди – ҳали уни ўнг ёнлаб, ҳали сўл ёнлаб, тиззаларига туртилиб-суртилиб юрди. Кўройдин қаърига сингиб бораётган бўрини яниб-яниб, ақиллаб-ақиллаб юрди.

Улар шу алфозда – бир жону бир тан ҳолда кишлоққа етиб келишди.

Олапар кўрғон дарвозаси олдида ақиллаганча қолди.

Хайрулла йигидан тийилиб, хўрсина-хўрсина уйи томон кетди.

ҚИШЛОҚ ЧЕТИДАГИ ЁЛФИЗ ИТ

ди. Улар дастлаб эътироз билдирган бўлишди: “Бошин қотирмай, теккина ўтир, ошни еб, бирга турамиз”. Бирок “ошни еб туриш” гоҳида саҳар-га бориб уланишини яхши билган Хайрулла кўн-мади, турли баҳоналарин рўқач қилиб, жўралари руҳсатини оларкан: “Ахир, уйда гулдай қайлиги кўзлари тўрт бўлиб турган қайси йигит ўтириш-ни саҳарлайди, нодонлар!”, дея ичида уларни қойинган бўлди.

Хайрулла бир ярим ойча бурун уйланган. Шунга кўра, бодомқовоқ қайлиги бўйига ҳали тўйиб улгурмаган йигит ярим тунда ёлғиз ўзи яёв йўлга чиқди. Ўзи айтмишли, кишлоғигача бор-йўғи тўрт-беш қақирим, уч хатласа етади.

Кўройдин, ер қаттиқ музлаган. Бунақа ҳа-вода киши юриб чарчамайди, юрган сайин юр-гис келаверади. У ўзига дадда бериш учун дам-бадам онаси қўйлаб турадиган кўхна бир айтимни димоғида хиргойи қилганча, зумда йўлнинг яридан мўлроғини босиб қўйди. Қаровсизлиги сабаб қамишзор макомини олган зовур кўприғидан ўтиб, бир муддатдан сўнг тўнкарилган тоғорадай тўнкайиб турган ясси тепаликка кўтарилиди. Тепалик яриғида бир сонияга оёқ илиб, сигарет тутатганча, чамаси, икки қақиримча нарида чироклари йилтиллаб ва милтиллаб турган кишлоғи томон боқар-кан, кўзига уйқуни доритмай, ўн бир боларли иссиқ уйда онаси билан гурунғлашиб, нима-ларнидир тўкиб-бичиб, илҳак қутиб ўтирган қаллиғини ва эшик бандига қўл чўзиши билан унинг, келдингизми, дея айвоғна отилиб чиқи-шини кўз олдига келтириб, беихтиёр, энтиқиб қўйди. Аммо бу дафъа онаси: “Чилласи энди-гина чиққан келинининг ёлғиз ташлаб, тунда итдай сангиб юрининг нимаси?” дея бошлаб тузлаши аниқ. Чунончи, тўйга ўз ихтиёри би-лан эмас, жўралари кистовига кўра борган, жиндек ўтириб, ими-жимнада изимга қайта қо-ламан, деб ўйлаганди. Бирок буни айтмоққа хо-жағ йўқ, мум тишлаб, бир дам боз эғиб турса,

либ бўлмаслигини ўйлаб, қаловланиб тураркан, дабдурустан умри даштда ўтган ён қўшини Аъзам чолинг бўрилиб билан боғлиқ гаройи-иб гурунглари ёнига тушиб, кўз ўнгидан қуйи-дағи манзаралар яшин тезлигида бирин-сирин лишлалаб ўта бошлади: теварақда бўрилар, чол кўрқувдан тамом бўлган эшагини ёнига қантар-ган ҳолда туни билан ўт ёқиб чиқади, тонг ёри-шини билан йирткичлар ўлжани ташлаб, кўздан гойиб бўлишади; ярим тунда даштда ёлғиз бўри-га дуч келган чол бошидаги оқиш салласини чу-вотганча олға юришда давом этади, илон каби судралаётган саллага алаҳсиган йирткич овул-га яқин ерда аҳмоқ бўлиб қолаверади; яна бир гал эса чол салла ўрнига арқон судрайди. Минг афсуски, аини тобда йигитда на салла, на узун арқон бор эди. Бахтига, чўнтағида тўла гугурт, хотирасида эса чолинг гугурт тўғрисида гурун-ги бор эди.

Аъзам чол чойдан сўнг тили тағига нос ташлаб, шундай деганди: “Қиш-кировли кун-ларда киши ёнида доимо гугурт бўлиши шарт. Бир дафъа десанг, ярим тунда момонгни кўмсаб уйга қайтаётсам, қошимдан лоп этиб жондор чиқиб қолса бўладими. Белимда пичоқдан бўлак яроқ йўқ, ўт-пўт ёқай десам, теварақда хас-ха-шак йўқ... Биласанми, нима қилдим мен? Хар э-лик-олтмиш одимда битта гугурт чўпини чақиб ташлаб, жондорни алаҳситиб, уни овул яқинига қадар аҳмоқ қилиб келдим. Жондор хидини сез-ган овул итлари уни шу бир тиркиратиб қувди-ки-шу бир тиркиратиб қувдики, кўрсоқ чангал-лаб, кетидан қотиб-қотиб қулиб қолдим. Энди жондорам бир тирик жон-да, худди итлардек улар ҳам турчила бўлади. Мухими, дуч келган пайтингда сасингни чиқара кўрма, чунки жон-дор ким қанақалигингни овозингдан дарров би-лилолади...”

Чолинг бу мавзудаги гап-сўзларига ишо-ниб-ишонмай, шунчаки эртақ йўсинида тинг-лаб келган Хайрулла титроқ бармоқлари билан

тушган тақдирда ҳам аёзли тунда ёлғиз ўзи йўл-га чиқмаган, ўша кишлоқлик бир шофёр йигит-нинг номини тугтиб, айтсам, фалонча оғайнинг машинасида гирра обориб ташлайди, дея жўра-ларини алдамаган бўларди.

Ниҳоят, кўрқиб қутилган дақиқа ҳам етиб кел-ди.

У қутидан сўнгги чўпини олди.

Ёқидан аввал ортига ўтирилиб қаради. Бўри оралик масофага деярли даҳл қилмаган ҳолда ўша-ўша соядай эргашиб келарди. У қўли-даги сўнгги чўпини ёндириш асносида биров-бир буюмни ёқиб лозимлигини бирдан эслаб қолди ва ҳовликиб, бошидаги кўхна телпагини юлқиб олди-да, ўтга тушди. Бирок ожиз алағга теллак туқларини ялаб, лип этиб ўчди-қўйди. У алам ва даҳшатдан инграб, бўш қутини маҳкам чангал-лаганча, бот кишлоққа назар ташлади. Булутлар орасидан мўраллаган ой нурида анча яқин қолган кишлоқ томлари, пичан ва гўзапоё гарамлари яққол кўзга ташланиб турарди. Аммо Хайрулла назарида, кишлоқ ҳали жуда олисада, шу лахза-гача ўтдан хайқиб келган йирткич эса ҳадемай тишларини иржайтириб ташлади қолагандек эди.

У бир неча сония гангит тураркан, бирдан кишлоқ тарафдан ит хуриб қолди. Буни қут-маган шўрлик, гўё жин теккандай, ғайрита-бий бир овозда қаттиқ қичқириб юборди-да, жон-жаҳди билан олға талпинди. Бирок оёғи тийғаниб, дустуман гурсиллаб йиқилиб туш-ди. У ихраб, жон халида ўридан туриш-га уринар экан, жоникийла ўзи томон ўқдек учиб келаётган қорага, Жовли жувозкашнинг олапарига кўзи тушди. Бу гал итдан хайқийш-ни ўйига-да келтирмади, қайтага ўзида йўқ қувониб, тани ва юрагига қувват инди. Ўша ҳолатда ошиғич ортига ўтирилиб қаради ва бўрнинг, музлаган йўлнинг қоқ ўртасида шум-шайиб турганини кўрди. У ўзининг соғ-омон

Энди уни бўлак бир муаммо қийнади. Расво бўлган шими билан уйига қандай ки-ришни ўйларди!..

* * *

У тонгда лаблари тўла учуқ билан уйғонар-кан, қаллиғига дастлаб айтган гапи шу бўлди: – Мавжу, бизам ит асрайим!

Қаллиғи – чўпон қизи, итсиз ҳовлига қўни-қолмай, дарди ичида юрган эмасми, бу гапдан боши нақ кўкка етди. Бугуноқ ота овулига хабар етказиб, сара итлардан бирини опелтиришга ваъда берди.

Пешин олди ҳўқизлар томонидан сузиб бу-зилган тахта деворни тузатиб беришини сўраб, Хайруллани кишлоқ яқинидаги молхонага чаки-ришди. У ҳали охори кетмаган кўкиш тўнини эски пахталикка алмаштириб, усқуналар солин-ган брезент сумкасини қифтига илиб, қия очик дарвозадан ташқарилар экан, паст овозда: “Ҳаял-ламай тезда қайтадурман, менинг овқи кўзим!” дея узатиб чиққан қаллиғини эркалаб, жилмайиб қўйишни унутмади. Келинчак ҳам ширин табас-сумини ямади. Бу табассумдан қанотланиб, у олға жилди.

Жовли жувозкаш кўрғонига етаркан, бу са-фар гўзапоё гарами бикинида, офтобўрўдаги ко-вақоқлар уюми устида пинакка кетган итга, хар дамгидек, ғаним кўзи билан қарамади. Аксинча, меҳри жўшгандан жўшиб, итга уйдан бирор тансиқроқ етулик олиб чиқмаганидан ўқиниб, пахталиги чўнтағини қавлаштирар экан, қўлига илинган бир чакмоқ қандан қувониб, олапар-нинг қўнлини овламоққа чора топганидан севи-ниб, итнинг тепасига борди-да, қирланган қандни унинг олдига итқитди, деди: – Олапаржон, ол!

Ит кўзини очини билан ириллаганча унга ташланди. Буни сира қутмаган Хайрулла бўрида солиб қочаркан, ўнг думбасига нимадир қаттиқ ботгани ва шимнинг тириллаб йиртилганини пайқайди!..

УМР ИБРАТИ


Замонавий ўзбек адабиётшунослиги ва яқин ўтган давр адабий танқиди тарихини заҳматкаш олим, профессор Умарали Норматов адабий-илмий фаолияти билангина тугал тасаввур қилиши мумкин. Устоз адабиётшуносликнинг ўзбек илм-фани, филологик таълим учун қилган хизматлари беқиёс, албатта. Мақолалар, рисолалар, монографиялар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, унинг раҳбарлигида ҳимоя қилинган ўнлаб илмий ишлар, республика ва яқин хориждаги юзлаб шоирлардан – буларнинг саногига етиши қийин. Буларнинг бари олимнинг ўзига хос олами – бебаҳо маънавий хазинаси.



чи тарафдан, “кайралаётган пичоққа бутунлай парвосиз, кўркувсиз” қараши анча ишончли ва табиий кўринади.

Тўғриси, менда Масъуд Абдуллаевдан мерос-оғзаки хотира асосида ёзилган бу мақола, машум вазиёт тафсилоти – маҳкум адибнинг сув сўраши, таҳорат олиб икки рақъат намоз ўқиши, тақдир ҳукмига бўйин эгиши ва тулрокдан ташқарида бир оёқнинг кўмилмай кўриниш қоллиши – барча-барчасини аниқ-тиник тасвирлаган фожавий пафосли яхши бир хикоя каби таассурот қолдирди. Чунки тухмат ва хиёнатларга бардошли адиб тўққиз ойлик руҳий азобларга қиёсан жисмоний ўлим қаршида мардона тура олиши мумкин эди. Аллоҳ зикри билан калима шаҳодатни айтиб

САМИМИЯТ ЁЛҚИНИ



Суратда: (чапдан) Иброҳим Гафуров ва Умарали Норматов. Сурат Содиқ Маҳкамов бисотида олинди.

Аслида улкан санъаткор адибларнинг бебаҳо асарлари тасвирдан қалб ларзага келди, сеҳрланди, завқ-шавққа тўлади. Ҳақиқий бадиий асар кучи кўнгилда ўзгача бир ҳарорат ва ёруғлик пайдо бўлади. Ичкарида образлар ёки воқелик моҳияти билан ғойибона мулоқотлар, баҳс-тортишувлар бошланади. Адиб ва уни англаш, асарлари ортдан келган бир олам гўзал таассуротларни баён этиш, тушунтириш бахти ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Профессор Умарали Норматов бутун илмий-ижодий фаолияти давомида ана шу саодатли дамлардан баҳра топди.

Агар ўша кескин драматик руҳий ҳолат тўла тикланса, шекспирона трагедия тугиллиши аниқ. Бундай аниқ ва дангал айтилган фикр-мулоҳазаларни манбаларни чуқур ўрганган ва ёзувчининг руҳий-психологик кайфиятини хаёлан тасаввур қилган олимгина ёза олади.

Умарали Норматов “Ўткан кунлар” романи негизда, истиқбол қайғуси билан яшаётган қахрамонлар орзусида “истиклол қайғуси”ни кўради. Романда тасвирланган ижтимоий муҳитнинг муҳим бир қирраси – миллиат истиқболга ургу беради. Табиийки, шу оламшумул фикр – бадиий гоёнинг илдизлари Абдулла Қодирий шуурда, асл маслага ва унинг ҳамфикр маслақдошлари даврасида мавжуд эди. Бундай саҳифаларда жадид адибларнинг орзу-армонлари кузатилади, бундай ўринларда даврдошларнинг дарддошлиги ва маслақдошлиги ойдинлашади.

Абдулла Қодирийнинг донишманд қахрамонларидан бири “Умр – отилган ўқ эмиш”, дейди. Ҳар ўтган кун, ҳар ўтган давр тарихга, хотирага айланади. Хотиралар эса орадаги масофа кенгайиб боргани сари совийди, хира тортади, ёддан кўтарилди. Энг қизиғи, агар ижод аҳлига оид хотиралар сунъий, тўқилган, гайрибадиий бўлса, гарчанд улар зар муқовали китоблар ичига жойлаб қўйилса ҳам, барибир эсдан чиқади. Чунки ижодкорнинг инсоний хотирасига абадий муҳрланиши учун, энг аввало, ўқувчилар излаб, топиб, суюб, ўйлаб, қувониб, йиғлаб ўқийдиган асарлари, адабий дурдоналари бўлиши лозим.

Умарали Норматов “Хотираларда адиб сиймоси”ни ёзар экан, Ҳабибулла Қодирий, Масъуд Абдуллаевнинг оталарини эслаб ёзган асарлари ҳамда адибга замондош кишиларнинг мақола-ларига диққат қаратади. Бу манбалар Қодирийнинг табиати, асил маслағи, иймон-этиқоиди, ижод лабораториясининг айрим қирраларини очибга ёрдам беради. Зеро, психобиографик тадқиқ усулига кўра мактублар, турли кўлёмалар, кундалиқлар, шахсий архив манбалари қаторида ижодкорнинг яқинлари ва замондошлари ёзган эсдаликларнинг ёзувчи бадиий оламини тушунишдаги аҳамияти беқиёс.

Ҳақон адабиётдаги жуда кўп адиблар умрининг охириги паллалари батафсил ёзиб қолдирилган. Маълумотларга кўра, И.Гёте умрининг сўнгги дамидаги кўпроқ ёруғлик ва тоза ҳаво сўрайди. Л.Толстой эса “Нима қилишимни билмай қолдим!” деганича боқий дунёга сафар этади. Хўш, Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари, охириги нафаслари хусусида нималарни биламиз? Шу пайтгача ҳужжатли, аниқ тафсилотли маълумот топилмади. 1937 йил 31 декабрда уйдан олиб кетилгани, терговлар; таниш-билишларнинг кўрсатмалари, 1938 йил 4 октябрда отилгани хусусида умумий маълумотлар бор, ҳолос. Назаримда, Умарали Норматовнинг силсила хотиралар асосида ёзилган “Қодирийнинг сўнгги илтижоси” мақоласи адиб умрининг охириги лаҳзалари юзасидан яхши тасаввур уйғотади; кўнгилга таскин беради. Ўқувчи мақола тасвирини “инсон учун дунёда ўлудман қўрқунч нарса йўқ”лигини жуда теран хис этган шахонинг мардлиги ва жасоратига таҳсин айтади. Қолаверса, бу манзара “Меҳробдан чаён” романи бош қахрамони, ўлимга ҳукм қилинган Мирзо Анвар ҳолатига оид бир эпизодни ҳам эста солади. “Дор остиди Анварнинг қўли ечилиб, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳақки эди... Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнни ерга ёзди. Жаллодлар доирани бир оз кенгайтиб, Анвар икки рақъат намоз ўқиди...” Абдулла Қодирий суюкли қахрамонига ўлими олдида, дор остиди шундай бир қонуний ҳуқуқни “берган” экан, ўзи ҳам ўлими олдида ҳукм ижросидан, аввало, ўз “қонуний ҳақки”ни сўраши, иккин-

жон тақдир этиш, жаннатдан умидворлик йиғилган одам табиати хос. Шу маънода Қодирий умрининг сўнгги лаҳзалари тўғрисида ҳар қандай бошқа, турли версиялар бўлмасин, мақолада баён қилган воқеа мантик кучи билан ажралиб туради. Бу “сўнгги илтижо” адиб муҳлисларининг юрагини ўртаб, зиркиратиб хотиржам қилади. Қолаверса, домламиз келажакда бунга қараганда ишончли манба топилиш эҳтимолини инобатга олиб, ҳолислик юзасидан, олдиндан узрини айтади ва улар учун ҳам тадқиқлар эшигини очиб қолдиради.

А.Қаҳор, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодири, Х.Тўхтабоев, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Ш.Ҳолмиров, О.Матжон каби ижодкорларнинг асарлари Умарали Норматовнинг доимий кузатиш объектлари бўлди. Адабий жараёнга доир мақолаларида у адабий ҳаётни, ижодкорлар истеъдодини, бадиий асарларни жуда зўқоқ билан баҳолагани кўзга ташланади. Олимнинг ҳар бир ижодкор ҳақида билдирган фикрлари негизда самимият ёғдуси балкиб туради.

Ўйлаб кўрсам, мен профессор Умарали Норматовни “Шарқ юлдузи” журнали орқали мактабим битириш арасида – ўтган асрнинг саксонинчи йилларида таниган эканман. Ўқилган қайсидир роман қахрамони исми таъсирландим, ҳар тугул, кейинчалик бир жамоада бакамти ишлаш, устоз-шоғирд тутишимиз мутлақо ҳаёлимга келмаган Умарали Норматов исми ортидаги мунаққид ўша ғойибона танишув маҳалида жуда ёш ва навқирон бўлиб кўрилган эди. Университетга ўқишга кириб қарасам, Умарали Норматов улкан олим, профессор, кафедра мудри, фан арбоби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси экан. Бирок ўқувчилик тасаввуримдаги ўша дастлабки бегубор сифат, тўғриси, ҳозиргача ўзгармади. Юракдан чиққан самимий маърузалар, мароқли ва жўшқин сўхбатлар... Ижодкор инсон учун ёзганлари ўзига ва ўзи ёзганларига ўхшаса – бу ҳам саодат.

Ҳавасдан кўнгил ўсади, бу ажиб фазилатдан боғлар мевага қиради. Ҳавас – бениҳоя гўзал инсоний фазилат. Умарали Норматов табиатида ҳавас кучли, ҳаққонийлик кучли. Фикр баёнларида, бирор асар таъриф ва тавсифларида баъзан муболағга бўлади. Бу муболағга домладан сўхбатдошига ҳам юқсади. Аммо устознинг номига бўлса ҳам ёлгон гапиришлари – бу асло бизнинг тасаввуримизга сизмайди. Зеро, чин устозлик, чин муаллимлик ҳам улкан саодатдир. Бундай саодат даражасига зинама-зина чиқилди. Бундай саодат шайни мисқолаб йиғилди. Умарали Норматов эл-юрт ардоғи-эҳтиромига, маънавият пиллапошлардан юксак бир рутбага кўтарилди.

Профессор Умарали Норматовнинг адабий-илмий мақолалари ёшларга бадиий асарни таҳлил қилиш йўллари, усуллари, танқидий мақола шакл-шамойили ва бошқа қирраларидан сабоқ берадиган манбалар саналади. Устоз ижодининг камрови кенг, уларга хос тамоийларини, мазмун-моҳиятини тугал очини учун махсус илмий тадқиқот ишлари бажарилган лозим.

Баҳолир ҚАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор



МЕҲРИДАРЕЪ ИНСОН ЭДИ



Ҳаётда кимдир фетли ва одобига кўра, яна кимдир касби, илми билан эътибор қозонади. Баъзилар эса бош маънавий дунёсидан куч олиб, Яратганнинг неъматларига астойдил шукрона қилиб яшаши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, санъатшунослик фанлари доктори, устоз Адиба Носирова дунёни моддий нарсалар эмас, балки кўпроқ руҳий олам бошқариши, инсоннинг саъй-ҳаракатлари ана шу руҳий дунёни таниши ва унга ишонини орқалигина барақотга сазовор бўлишини теран англай олган инсонлардан бири эди. Шу боисдан ҳам инсонлар ўртасида меҳр, тотувлик, шукроналикни мустаҳкамлашга интилиб яшарди, бошқаларни ҳам тинмай шунга даъват этарди.

Алишер Навоий таваллудинини 580 йиллиги

Гафур ҒУЛОМ

БУЮК УСТОЗ



Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигига бағишланган атоқли адиб Гафур Ғуломнинг “Буюк устоз” мақоласидан (“Ўзбекистон маданияти”, 1966 йил 12 февраль) олинган қўйидаги иқтибосларда буюк шоирнинг жаҳон адабиёти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси, навоийшунослик фанининг яратилиши ва бу борада эришилган ютуқлар ҳақида сўз юртталади.

Алишер Навоий туркийўй шоирларнинг биринчиси эмас, албатта. Унга ҳам қанчадан-қанча ҳасос шоирлар, ҳатто малик ул-қаломлар яшаганлар. Аммо унга ҳам ким туркий халқлар тилларининг имкониятини Алишер Навоийча муваффақият билан исботламаган. У ўзининг фақат илмий асарлари билангина эмас, балки жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бўлган “Ҳазойин ул-маоний” ва “Ҳамса”си билан ҳам туркий халқлар адабиётларининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшди.

Алишер Навоийнинг ижоди ўзбек тилининг бойлиги ва ранг-баранглигини, унда энг теран фикрлар ва юксак бадиий формада уйғунлаштириш имкониятлари чексиз эканини ёрқин намойиш қилди. Ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари билан эса, Алишер Навоий ўзбек тили ва тилдаги адабиётнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилди, уларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Навоийнинг ўлмас “Ҳамса”сичи? Гарчи бу соҳада у ўз салафларининг ажойиб традицияларидан унумли фойдаланган ва уларнинг асарларидаги айрим камчиликларни ўринли танқид қилган ҳолда, ўзининг гоёвий ва бадиий кучи билан шу шоирларнинг дostonлари даражасида турган, улар билан рақобат қила оладиган “Ҳайрат ул-абсор”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъбан сайёр”, “Сади Искандарий” дostonларидан ташкил топган “Ҳамса”ни тузди. Кўп йиллик ижодий меҳнатини самараси ва шоир фалсафий ҳам бадиий тафаккурининг поэтик синтези билан бу асарга кирган гоёвий теран, бадиий юксак, янги, оригинал дostonлардан ўлмас абадий тилларнинг бадиий галереяси гавдаланади.

Алишер Навоий асарларининг қиммати шундаки, улар улуг шоир яшаган даврининг илгор гоёлари, инсон ва унинг ҳуқуқлари, ахлоқ, вафо ва биродарлик ҳақидаги фикрлари доҳиёна бадиий акс этган санъат асарларидир. Дарҳақиқат, Навоий асарларини ўз даври энг илгор ахлоқ нормаларининг бадиий кодекси деб аташ мумкин.

Аслрлар давмида саводли кишилар Навоий асарларини қўлда қўчириб тарқатганлар, узок киши кечалари, ишдан кейин йиғилишиб, навоийхонлик қилганлар. Шу сабабли XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда литография ва типографиялар ташкил топганда, нашр этилган илк китоблардан кўпи Алишер Навоий асарлари эди.

Улуг ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш иши ҳам совет даврида илмий асосга қурилди. Зўр қаноат билан таъкидлашимиз мумкинки, совет даврида навоийшунослик фани яратилди. Бу фанин яратилиши ва ривожланишида Садриддин Айний, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдурауф Фитрат, Олим Шарафиддин, Султон Ҳошим, Абдурахмон Саъдий, Иззат Отагонов, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Максуд Шайхзода, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Ғулом Каримов, Абдуқодиёр Ҳайитметов, Шарифа Абдуллаева, Сўйима Ганиева, Саида Назруллаева каби ўзбек олимлари зўр ҳисса қўшдилар. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга рус олимларининг асарлари катта роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Машҳур шарқшунослар: академик В.В.Бартольд, академик А.С.Самойлович, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари Е.Э.Бертельс,



А.К.Боровков, С.Е.Малов, Н.Ю.Якубовский, А.А.Семёнов ва бошқа рус олимлари Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг айрим муҳим масалаларини ёритиб бердилар. Улуг ўзбек шоири ижодини ўрганиш ишига қардош халқларнинг йирик олимлари қўшаётган ҳиссани айрича таъкидлашни истар эдим. Бу ўринда мен сўнгги ўттиз йил давомида Навоий комитети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келатган озарбайжон олим, Озарбайжон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Ораслининг хизматларини қайд этишни истар эдим. Алишер Навоийнинг қардош адабиётларидаги традицияси масаласини ўрганишда Туркманистон Фанлар академиясининг академиги Б.Қориев, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги А.Мирзоев, татар олими, филология фанлари кандидати Ш.Аббасов ва бошқа ўртоқлар самарали иш олиб бормоқдалар ва навоийшуносликни бойитмоқдалар.

...Сўнгги йиллар ичиде навоийшунослар Порсо Шамсиев улуг шоирнинг ўлмас “Ҳамса”сига кирган дostonларининг илмий-танқидий текстини тайёрлади. Шулардан “Саъбан сайёр”, “Фарҳод ва Ширин” дostonлари босилиб чиқди. Филология фанлари доктори, профессор Х.Сулаймонов томонидан тузилган илмий-танқидий текст — Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” асари 4 том ҳолда босиб чиқарилди. Филология фанлари кандидати Сўйима Ганиева томонидан Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарининг ва адабиётшунослар Ш.Эшонқўжаев томонидан улуг шоирнинг “Лисон ул-тайр” дostonининг илмий текстарлари тайёрланди. Ҳозирги кунда “Тошкент” нашриёти Алишер Навоийнинг 15 томлик асарлари тўплами нашрини тугаллаш арасида турибди. Фақат сўнгги йилларда Навоий ижодини ўрганиш соҳасидаги ишлари улар Ҳамид Сулаймонов ва Абдуқодиёр Ҳайитметовга филология фанлари доктори, С.Ганиева, Ё.Исоқов, Э.Шодиёв ва Т.Ахмедова филология фанлари кандидати деган илмий даража берилди. Бу ўринда адабиётшунослар А.Ҳайитметовнинг Навоий ижодий методини ўрганиш соҳасидаги тадқиқоти катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур.

Навоийшунослик бир қатор жиддий ютуқларга эришган. Шу билан бирга ҳали қатор хал қилинмаган масалалар бор. Умид қиламизки, мана шундай масалаларни илмий ёритишда бу йилги сессия ҳам муҳим роль ўйнайди.

ЯХШИЛАР ЁДИ

уч ой ўтгач, олимга кириб, “Агар профессорликка номзодимни қўйсам, тўғри бўлармикан, бошқа давомида жамиятимизга бунга қандай қарайди?” деб сўради. Мен: “Китоб ва сиз қилиб келатган ишлар профессорликни олишга жуда муносиб”, деб жавоб бердим. У киши “Майли, бир ўйлаб кўрайлик”, деб чиқиб кетди. Адиба опа шу ўйлашларича профессорлик унвонини олишни яна ўн йилга кечиктирди. 2014 йилга келибгина профессорлик унвонини олишга мушарраф бўлди. Кўнги-рок қилиб табриқлаганимда, “Сиз ўн йил олдин айтган таклифингиз билан шунга эришдим”, деб камтарона жавоб қилган эди.

Адиба опа том маънодаги яхши инсон эди. қирк беш йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида жамиятимизга муносиб шоғирлар тайёрлаб берди. Опа яхшиликка жуда ишонадиган, дунё яхшиликлардан иборат деб билдирган инсон эди. Мен у кишининг меҳрибонлик, камтарлиқ, самимийлик, соҳага ва устозларга садоқат каби хислатларини фарзандларимда кўраман.

Мансур БЕКМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси кафедра мудри



ЭССЕ

ЧЎНТАКСИЗ КИЙИМ

ЎзМУнинг журналистика факультети талабаси эдим, 1987 йиллар. Шейрларимни ўкиб кўрган кутубдошим Абдурахмонов Ғозиев бир гапни туриб олди:

— “Саодат” журналига олиб борамиз, Ҳалима Худойбердиевага. Бу шейрлар журнал оркали халққа етказилса, биласизми, ким бўласиз... — Ким бўламан?

— Янги гап топиб айтувчи шоира. Ҳалима опа яхши нарсанинг қадрига етади. Сиз бўлсангиз бу шейрларни “Бухорий дафтар”га қамаб қўйибсиз, дўстим... Бу гуноҳ-ку!

“Саодат” журнали тахририяти жойлашган бинога бордик. Лифтдан чиқдимиз феълим айниди.

— Мен Ҳалима опа хузурларига тўрта хом-хатала шейрни олиб кириб, маъқуллаб чиқолмайдим. Кўлимдан келмайди. Бу иш осон бўлса, шуни сиз қилинг. Мана шейрлар, илтимос.

Курдошим сал чапанироқ. Юзимга тикилиб турди. Кейин шейрлар битилган қозонни кўлимдан тортиб олиб, коридор бўйлаб опанинг кабинетини излаб кетди. Мен пиллапоё деворига панарок бўлиб, кузатиб турдим.

Опанинг хоналари коридорнинг охирида экан, кирди. Кўп фурсат ўтмай ўқдай отилиб чиқиб, баланд овозда мени чақирди: “Дўстим, келинг, келинг, Ҳалима опа сизни сўрапти!”

Қандай юриб бориб опа хузурига кирдим, билмайдим. Опа ўринларидан туриб, мен билан кўл бериб кўришди.

— Ибодат, шейрларингни ўкиб чиқдим. Теша тегмаган гаплар кўп. Хурсандман Бухорода шундай овоз борлигидан. Бу Тўмарис ҳам чўнтаксиз кийим кийган эканда-а, — дея майин кулиб менга қараб турди.

Мендан энди кани бир садо чиқса... Абдурахмонов гапни гапга улаб кетди:

— Дўстимнинг фикри жуда чуқур. Ҳамма раҳбарлар ҳам Тўмарисдай чўнтаксиз кийим кийсалар, порахўрлик кам бўлади.

Ҳалима опа Абдурахмоновнинг кишлоқчанамо “шартақиллиги”дан маза килиб кулди. Кейин:

— Ибодат, шу шейрни ўзинг ёддан ўқи-чи, — деди.

“Худо олди”, дедим ичимда, кошки ёддан билсам. Тилим сўзга айланмайди. Чўнтак қовлайман. Қани энди кургур кўрўмоли топилса.

Ҳалима опа: — Ибодат, Бухородан “дам” келтирдимми, гапир, бир овозингни эшитгай, қани!

Мен яна “дам”.

— Сен ёл олмаган шу шейрни сенга ўзим ўкиб берай, эшитинглар.

Опа шундай деб қироат қилиб ўқиди.

Шейр тугагач, Абдурахмонов қарсақ чалиб юборди:

— Зўр ўқидингиз, Ҳалима опа! Бахтимизга соғ-омон бўлинг. Энди, бизнинг дўстимиз сизга шогирд-а?

— Ҳа, шогирд, шогирд. Ибодат, ёзган шейрингни ёд олмак ҳам яхши. Тўмарис чўнтаксиз кийим кийиб ўтди... Зўр гап-а! Қани энди ҳамма ҳам чўнтаксиз кийим кийса, олам гулистон бўлар эди...

Ҳалима опа шундай деб суҳбатга яқун ясаб, ўрнидан туриб, бизлар билан хайрлашди.

«ЧОРБАКР БОРАСАН-А?»

1997 йилнинг кузи эди. Ҳалима опа, Дилбар Махмудова, Тилаб Махмудов “Гулистон” журнали обунаси масаласида Бухорога келдилар. Ҳалима опа хаётидаги ўша “довуллар”дан кейин шу тахририятда ишларди. Гиждувон, Ромитан туманларида ижодий учрашувлар бўлди. Ўйиним-терим мавсуми авж олган палла бўлса-да, теримчилар Ҳалима опа келганини эшитиб, шийпонга йиғилиб, ерда ўтириб бўлса ҳам шейр тингладилар.

Мен учрашувларни вилоят аҳлига етказиш учун тасвирчилар гуруҳи билан келиб, тасвирга олиш ишларини бажардик (эфирга бермасалар ҳам ўзимча олдирадими). Ҳамма шейр тинглайди. Дала бошида фақат фартуқлар. Ҳалима опа шейр ўқигандан чарчамайди. Куйилиб келади. Ҳар бир мисрадан куйган юрак кўринади.

Барибир мен уларни терим ишидан қолдираман, деган хижолатпазлик юз-кўзларидан билиниб турарди. Учрашув яқунланди. Ижодий гуруҳимиз даврани тасвирга туширдик. Фақат опадан интервью олиш қолганди. Мен, микрофон кўлимда, минг хижолат ила Ҳалима опага яқинлашдим.

— Ҳалима опа, Бухоро вилояти шейрхонлари учун ҳам шейр ўқиб берсангиз. Ёки чарчадингизми? Лекин интервью беришингиз керак...

Ҳалима опа менга зимдан қараб, бирдан: — Сен анави Тўмариснинг кийимидан чўнтак йўқ, деб шейр ёзган шоира эмасдингми? Танидим, яхшимисан, янги ижодлар борми? Машрабнинг маҳси-қовушсиз юрганни қачон ёзсан? Агар янги ижодларингдан ўкиб берсанг, интервью бераман, майлими?

Шу лаҳзада мендан-да бахтиёрроқ инсон йўқ эди оламда. Орадан ўн йилдан ортик вақт ўтган бўлса-да, опа мени таниди. Қойил!...

...Ҳалима опадан интервью олиб, энди ортимизга қайтаётганимизда “Дардаш” газетасининг ўша пайтдаги муҳаррири Бахшанда Болтаева мени чақириб қолди.

— Дарров чиқиб кетма. Жўнат тасвирчи, камера, машинангни, ўзинг кол. Шу баҳонада Ҳалима билан яхшироқ танишиб олсан, тумшайиб ўтирма, очил бир оз-е... — деди менга.

Мен ҳамроҳларимни жўнатиб, қолдим. Бахшанда опа мени Ҳалима опа билан Дилбар опа ўргатарига ўтиргизиб, ўзлари бошим устида тик туриб деди:

— Ҳалимажон, мен сизга айтган тортинчок шоира ана шу бўлади. Шунинг бир иложини қилинг, оф фотиҳа беринг. Бу шундай юрaveraди-ми, Зебинсонинг эшиқбошидай... Бахшанда опанинг гапларидан ҳамма кулди. Ширин кулги бўлди.

Опа менга қараб: — Ибодат, шейрларинг ёнингдами, ўқи-чи, — деди.

Опанинг гапларидан кейин яна ширин кулги бўлди. Мен терлаб-пишиб, шолғом бўлиб, “Чорбакр бораман” деган шейрни ўқидим...

Ҳалима опа шейрни мижджа қокмай тинглаб:

Ибодат РАЖАБОВА

КЕЛДИ ДОРИЛОМОН КУНЛАР..

“Шейр бошидаги тўрт қаторни қайта ўқи-чи”, деди. Айтганини бажардим. Ўзи яна: “Тишларин мушк билан артиб, тақа-чун, Амирий кумушни кутдим ой-ойлаб” деб ўқиб, хаёлга ботди. Мен ўринча опани кузатаман. Жимликни Бахшанда опанинг: “Анави “Туркон Хотун” шейрингни ўқи”, деган овози бузди. Ҳалима опа “ўқи” деб ишора қилди.

Туркон Хотун, Туркон Хотун, Бухорода Султон Хотун. Менга керак қуёш ёғи, Топиб бер-чи, имкон Хотун.

Бу деворни тиклаш керак, Арк бошини сийлаш керак. Абу Хафси уйғотмасак, Осмонга ким бўлар тиргак?..

Шейрни ўқиб бўлдим ҳамки Ҳалима опа мана бу байтни такрорлади:

— Менга керак қуёш ёғи, Топиб бер-чи, имкон Хотун. Ибодатхон, менга ҳам қуёш ёғи жуда керак. Бу ёғни Бухородан топиб бўладими? Иложи йўқ дегани эмасми?..

Опанинг кўзларида ёш халқаланди. Ўша талотўп йиллар... Бир сунъч, далдага зор бўлиб юрган кезлари эди. Дилбар опа, Бахшанда опа жим. Мен ҳам...

«ЯНА ҚАЙТАР-ЧИ...»

Эртаси ҳам Ҳалима опа билан Гиждувон, Зарангарий, Позагарийда учрашувлар бўлди. Пахта териш палласи, дехқоннинг нафас олишга вақти йўғу, лекин шейрхонликка гуррос-гуррос келадилар. Саволлар бериб, Ҳалима опани шийпон бағридан кетишларини истамайдилар.

Кўнгишлар мулкига айланиб улгурган “Мукаддас аёл” шейри такрор-такрор янтрайди. Опам ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдирмайди. Фалон шейрингизни ўқиб беринг десалар бўлди, у киши “Айланай, Бухоронинг шейрхонларидан айланай” деб майин шикаста, маънос овозда қироатни бошлаб юборди.

Учрашувдан кейин бир мактаб директори опани Зарангарийдаги ҳовлисига таклиф этди. Дастурхонда патишўрва, Бухоро ёғли патири-нинг хиди меҳмонхонага таралган. Опа пати-рини мактаб-мактаб бериб, икки тишладиларим, йўқ, яна баҳс, шейрхонлик бошланди... Тилаб ака, Дилбар опа қарсақ чалишди. Даврадошлар жўр бўлишди.

Ҳалима опанинг патири тўғралган қосаларига чўпқошиқ бориб келмайди... Бахшанда опа яна чапанича савол бериб қолади:

— Ҳалимажон, Ибодатга мен Румийнинг бир байтини ўқиб берсам, бу мисралар бошқа шоирга тегишли, услуби Румийга ўхшашмайди, дейди. Мен хайрон...

— Қайси байт, ёддан билсангиз, ўқинг-чи, — деб Ҳалима опа чўпқошиқни қўлга олиб, патишўрвага солди. Байтни мен ўқидим:

Ёрони Худо Худо набошанд, Лекин аз Худо жудо набошанд.

Опа қошиқни жойига қўйиб, байтни ўзбеклаштирди:

Худонинг ёрлари Худо эмаслар, Лекин Худодан ҳам жудо эмаслар.

Ҳамма хайрон. Таржима таъсир этди, чоғи, яқкам-дуккам қарсақ янтради. Опа таржимасини такрор ўқиб, Бахшанда опага юзланди: — Дарवेशамиз тўғри айтибди. Мисра Румий бисотидан эмас. Менинча, Кубронинг мурдиларидан бири Шайх Сайфиддин Бохарзий услубига ўхшашпти, Ибодат, шундайми? Эътибор бер-чи.

Бахсада Ҳалима опа, мен гоёлиб қидик. — Шайхонимнинг девонлари борми, менга хат жилд килиб юбор, ўқиймиз. — Опа, девон форс тилида... — Ҳечқиси йўқ. Тушунаман-ку барибир. Ўт-

мишдошларимизнинг барча битмишлари нур. Кўнгил равшан тортади. Юбор, менга ўша девонни. Кўнгилим бир равшан торсин.

Ваъдага биноан Сайфиддин Бохарзийнинг рубойларини Ҳалима опага етказдим. Биз у киши билан яқин бўлиб қолдик. Телефонда соатлаб румийхонлик қиламиз.

Икки-уч марта уйларида меҳмон бўлдим. Бир бурчакни топиб олиб, пирхонлик қиламиз. Ҳалима опа Бухоро пирлари таълимотининг шайдоси бўлиб қолган эди.

«СЕНИНГ ОПАНГМАН»

Бир куни телефон оркали суҳбатда: — Ҳалима опа, Сизга Баҳоуддин Накшбанднинг бир байтларини тухфа қиламан. Эшитинг, ризки жонингиз бўлсин, — дедим.

Опа: — Ўқи-чи, ризки жонимни, — деди. Ўқидим: **Агар биники нобино-ю чоғ аст, В-гар хомуш нишини гуноҳ аст.** — Тўхта, тўхта, мен ҳам ўқий, хазратнинг



байтларини... “Агар бини, ки нобино-ю чоғ аст, В-гар хомуш нишини гуноҳ аст”. Чоҳ — қудукми, Ибодат?

— Ҳа, ҳа, қудук, опа. — Ҳозир мен хазратнинг байтларига ўзбекча пахтали чопон кийдираман.

Агар кўрсангиз нобино-ю чоғдир, В-гар хомуш ўтирсанг, гуноҳдир. Қалай чопоним ярашдими, байтта, Ибодат? — Зўрсиз-е, опа, қойил. Худдики, Баҳоуддин пиримиз ўзбек тилида байт айтгандай, жуда чиройли.

Телефоннинг у томонидан менга Камоланинг овози эшитилди: “Опа, гуруччи солайми?”. “Солавер, болам. Паловинг пишгунича биз Бухорий дарवेशа билан бисот таржима қиламиз, сол...”

Мен хайрон бўлдим: “Нега Камола “она” демай, опа деди”. Соддароқман-да, шуни ҳам Ҳалима опадан сўрабман-е.

— Устоз, Камола Сизни опа деди. Мен ҳам Сизни опа дейман-а?

Опа ўзига ярашқили овозда кулди. — Вой, жоним-е. Вой, жоним-е. Мен сенинг ҳам опангман, билдингми, опангман... Бошла, Бухоро пирлари хикматларини таржима қиламиз. Эрқалигим тутиб кетди.

— Ўзбекча пахтали чопон кийдирамиз, зебанчали, опа! — Шундай, шундай, зебанчали чопон кийдирамиз.

«ШОЛЧА ТАШЛАБ ЎТИРАМИЗ»

2012 йилнинг 4 июнь куни. “Бухоро окшоми” газетаси муҳаррири Сафар Аҳмедов мени интервью олиб келишга юборди:

— Кабинетда димкиб ўтирманг. Сиз ҳам бир дунё кезиб келинг.

Сафар ақанинг ҳазилларидан мириқиб қулдик. Машрабхалтани елкамга илиб, бекатга чиқдим. Машруткага ўтириб, Бухоро шахридаги 22-мактабга етай деб қолганимда қўл телефоним муслиқчи овоз берди. Яшил тугмачани босиб “Лаббай” дедим. Гулжамол Аскарлова:

— Опа, қаердасиз? Тез-тез гапиринг. — Машинадаман, барака топкур. Нима ваҳима қиласиз, Бухоронинг мишрабага ўхшаб...

— Тушинг, машинадан. Бухоро тез тиббий ёрдамга бориңг. Реанимация бўлимида Ҳалима опа ётибди. Тез бориңг. Мен 20 дақиқалардан кейин кўнгирик қиламан, тушинг!!!

Унинг асли ҳуқумфармо овози бу гал ваҳимали ҳам эди. Маршруткадан тушиб, тезда таксига ўтирдим ва Гулжамол айтган манзилга келдим. Реанимация эшиги тагида Мавлон ака бир киши билан гаплашаяпти. Ўзимни таништирдим, шогирдлариман, опанинг хизматларига таяёрман, дедим.

— Опанинг килим Қарши-Бухоро қилиб чиқувдик. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мутасаддилари ижодий учрашувга таклиф этганди. Қорувулбозорда ҳаво жуда иссиқ экан. Ҳалиманинг

кон босими кўтарилиб, мињясига кон қуюлса бўладими. Бу ерга олиб келдик, комада. Кириб кўрасизми, — деди Мавлон ака мулоим, хаста овозда.

Палатага кирдим. Ҳалима опа сунъий нафас бериш аппарати тагида ётибди. Хушсиз. Ўзимни туюлмай йнгладим.

Врач мени ташқарига чиқариб юборди: “Бунақа хўнграб йнглаб, тинчликни бузмокчи бўлсангиз, яхшисиз келманг”. Кейинги кунлар йнгламай кириб-чиқиб, эшик тагида ўтириб, опанинг кўз очилларини интизорлик билан кутадиган бўлдим. Интизор ўтиришларимнинг иккинчи куни Гулжамол кўнгирик қилди.

— Опажоним яхшими? Кўзларини очдимми? — Комада ётибди, сунъий нафас... — ...ёнларида ким бор? Мен йўлдаман. — Ёнларида мен, Мавлон ака. Докторлар дори-дармондан ёрдам қилинглар, дейишдан нарига ўтолмаяпти... Мавлон ака ҳамма чораларни кўрапти.

Гулжамол поезддан тушиб келди. Унга опам хузурда йнгламасликни тайинлаб, касалхонага кирдик.

Ҳамшира мени имлаб чақириб, қулоғимга

хушхабар айтди: “Энг керакли дорилар келди. Энди опадан ғам еманг. Худо деб тураверинг. Туриб кетади оёкка”. Хурсанд бўлиб кетдим. Ичим хурсандхона бўлиб кетган эди: “Эй Худо, Сенинг бору барқарорлигинг қанчалик хузурбахш-а”.

Гулжамол опам устига энгашиб, пичир-пичир гапирди. Ўлиб, усиз кўз ёши қилди. Сочлари, юзларини хидлаб-хидлаб қўйди. Ҳамшира: “Энди чикинглар, илтимос” ишорасини қилди. Гулжамол ташқарига чиққанимиздан кейин йнглади:

— Эй Худо, мадад бер. Опамга, бизга раҳминг келисин!

Мен уни тинчлантириб, ҳамшира айтган хабарни айтдим. Унинг чеҳраси ёришди.

Гулжамол билан касалхонанинг ичкари саҳнига, боғига ўтдик. Ана одамга мана одам. Ҳаммалари ерга шолча ташлаб, ўтириб олган. Соя-салқин жойлар — банд. Фақат бир ўчоқ, тан-дир, қозон, човғум йўқ. Бошқа ҳамма нарса бор. Товоқ, дастурхон, кўрпа-тўшак...

Шунда Гулжамол: — Булар шаҳар касалхонасига кўчиб келганими? — деб сўрайди мендан.

— Реанимацияда оғир касаллари бор. Бир-бирларидан кўнгил сўраб, хабардор бўлиб турадилар, Гул. Бу ҳам одамгарчилик.

Гулжамолга жон кирди: — Унда биз ҳам шолча олиб келиб, шу ерда ётамыз. Опанинг пойнда! Уйда шолча борми? — Бор, бор, янғисидан бор. Кўрпа-ёстик ҳам...

Биз уйга келиб, шолча, ёстик, кўрпача олиб, изимизга қайтдик. Ҳалима опадан кечаси ҳам хабар олиб туриш учун...

Ҳалима опанинг реанимацияда ётишининг саккизинчи куни, тун ярим эди. Гулжамол билан шолчамизга ўтириб ул-бул егандай бўлдик. Бухоро тунги осмонини томоша қилиб ўтирган Гулжамол ўрнидан турди:

— Ё, Бухоро Пирлари мадад беринг. Ҳалима опадан бир хабар олиб келай, кейин ухлаймиз...

У палатага қараб кетди. Орадан 10 дақиқа ўтмай, капалақдай учиб келди:

— Опам... опам кўзларини очди. Реанимация бўлимига бостириб киргандай бўлдик. Ҳамшира Ҳалима опамга зонт билан сув ичирди. Мавлон ака, фарзандларни, биз... ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

Эртаси эрталаб Гулжамол: “Энди бир оз хотиржамман. Кетсам ҳам бўлар”, деди-да йўлга тушди.

Ҳалима опа то оёқларида туриб, бир-икки кадам ташлагунича, “шолчамиз”ни касалхона ичкари ҳовлисидagi чинор дарахти тагидан йнгиштирмадим...

«Э, СЕН ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛДИНГ, УЛУҒ?»

Ҳалима опа саккиз кунлик шокдан кейин ҳам Бухоро вилоят тез тиббий ёрдам марказининг реанимациясида яна 12 кун ётди. Мен, ўғли (рахматли) Умид кунда уч марта Ҳалима опани товукшўрва суви билан сийлаймиз.

Ҳалима опа, ўша беозор, ҳеч кимга миннати йўқ Ҳалима опа кўзлари очик, хотираси йўқолган, на гап, на ох, на воҳ...

Раҳматли Умид такрор-такрор: — Опа, опа, ўғлингиз Умидман. Биз Бухородамыз. Эрта-индин уйга қайтамыз. Шифокорлар шундай дейишди, — дейди.

...Ҳалима опа бир-икки кадам ташлайдиган бўлди. Аравачага секингина ўтказиб, узун, ёруғ коридорни “сайр” қилдирамиз. Гоҳ мен, гоҳ ҳамшира. Бу машғулота Умиджон ҳам қўшилади, кўнгли очилиб. Ўринларига келтириб, ўтказиб, ликочада гилос солиб берамиз. Шифокорлар кейинга биринчи куни жамғоб берамиз дегандан кейин Умиджон дунёга сиймай кетди. Коса-ликочаларни кўтариб, менинг “шолчам”га келдик. Умид билан кўрпачада ўтириб, ок ширпайванди ўрик едик.

Умиджон: — Опа, қилган хизматларингизга рози бўлинг. Яна бир илтимос... — деди.

— Умиджон, опанинг шогирдиман. Ҳеч нима қилганим йўқ. Бурчимни бажардим, холос. Нимайки, илтимос бўлса, айтаверинг, бажариш мендан, жоним, — дедим.

— Опани поездда бир ўзим бажара олмайман. Аёл киши керак. Майли десангиз, биз билан Тошкентга борсангиз... Хужжатларни беринг, сизга ҳам чипта олайлик...

Биз йнгирма биринчи куни Ҳалима опани тез тиббий ёрдам уловига миндириб, Когон темир йўл вокзалига қараб йўл олдик. Когонга келдик. Поезд вагонига тиббий замбилда кўтариб киритилган Ҳалима опа мослаштирилган ўрнида беозор ухлаб ётарди. Мен, Ҳалима опа бир купеда, Умид билан шифокор кўшни купеда, йўлга тушдик. Кундуз соат 11 бўлаптию, опам уйқудан кўз очмайди. Шифокор безовта.

— Опани бир амаллаб бўлса ҳам уйғотиб, оғизларига озроқ бўлса ҳам егулик беринг. Бўл-маса қандлари тушиб кетади.

Мен кўп уринаман. Опам кўзларини уйқудан очмайди. Лабларига гилос шарбаги солинган стаканини тегишиб туравердим. Оғизларини очди. Шарбатни ичирдим.

Шифокор жон ҳолатида пичирлайди: — Опа, опа, энди гилоснинг ўзини тутинг қани, оғизларига, есалар — ғалаба!

Унинг айтганини бажараман. Гилосни оғизларига тутаман, чайнаб, данагини чиқаради. Данақни лаблари устидан олиб, қафгимда жамлайман. Шифокор хурсанд. Умиджон хурсанд. “Эпладик, энди қандлари тушиб кетмайди!”. Ҳалима опа кўзлари юмилган, ихтиёрсиз равишда гилос чайнайди. Тошкентга кириб боргунга қадар бир неча бор шундай қилиб, “қанд тушинг”нинг олдини олдик. Охири зўр бўлди. Опам уйғониб, кўзларини очди. Чалқанча ётган ҳолатда, бошларини сал кўтариб, иккинчи кўлим билан гилос шарбатини тутаман. Шарбатни ютиб, жилмаяди.

— Доктор, шу сув зўр-да, мазза. — Ҳалима опа, Ибодатман. Сизнинг шогирдингиз. Эсладингиз-а?! Бу — гилос шарбати.

Ҳалима опа: “Ибодат, Ибодат. Саломатми-сан? Биз қаердамиз?”

— Тошкентга кетаямиз. Сиз соғайиб қолдингиз. — Шунақами?

Бошлари устида эгилиб, шарбат ичираман. Титроққа кўмилган ўнг кўллари билан бошимни силангандай бўлади.

Шамсиддин САДОИЙ

ЖОНУ ЖАҲОНИМСАН, ВАПААН



ЯНГИ ЙИЛИМ

Ўн икки ой кечди бир-бир кошингиздан,
Не синовлар ўтди азиз бошингиздан.
Истиклолим, садқа бўлсин суюнчиға,
Ширин жоним садқа қутлуг ёшингиздан.
Кел, яйрагил бу окшомда ўзбек элим,
Бахту ҳикмат, омад берсин Янги йилим!

Бир қанотинг илму одоб сочгай зиё,
Бир қанотинг кўкка етган назму наво.
Қайга борсанг гулистон ё чўлми, дўстим,
Бир авлиёнг бош кўтариб айтгай сано.
Шу саодат бирла абад ёруғ йўлим,
Шу садоқат мангу бўлсин, Янги йилим!

Тумор боғланг ўзбегимнинг кизларига,
Кўз тегмасин момақаймоқ юзларига.
Ҳар булбулнинг гули бўлсин ўз боғида,
Тушмасин ёт назар хатто изларига.
Раҳким ёмон, хатто гулга боқма гулим,
Бизга васли-висол берсин Янги йилим!

Худо шохид, биз биринчи бўлажакмиз,
Томчи-томчи денгиз бўлиб тўлажакмиз,
Билим асли биздан чиккан аста-аста,
Ерни олиб, осмонни ҳам олажакмиз.
Улугбекнинг юлдузига етгай қўлим,
Сомон йўлини бизга берсин Янги йилим!

Ватан сени нурдан, гулдан яратмишдир,
Ҳақнинг олтин тароғида таратмишдир.
Аждодлари шоху султон ўтган элим,
Толенинги юлдузларга қаратмишдир.
Садойига қадди буюк тоғсан элим,
Қадамларинг қутлуг келин, Янги йилим!..

МАНИМ ВАТАНИМ

Сен илоҳий масканимсан,
Тангри тортиқ этганим.
Икки дарё орасига,
Жаннат гулини экганим.
Юлдузлари Улугбек деб,
Кўкка парда торганим.
Минг асрлик булбуллари —
Сайрон маним Ватаним!

Сен кўкларда хоқонимсан,
Ерлардаги қалқоним.
Сен душманини саҳроларда
Адаштирган чўпоним.
Жангда султон Темуримсан,
Фанда Абу Райҳоним.
Ўшал қайтмас Барлос, ўшал —
Тархон маним Ватаним!



Ёвузликдан ёруғликка,
Келиб етган дунёсан.
Боболарим кўк токига,
Ялов тиксан дунёсан.
Шоҳ Машрабни дор остидан,
Олиб ўтган дунёсан.
Эгилганда синмаган ёй —
Камон маним Ватаним!

Дарёларинг қон томирим,
Тоғларингдир кўкрагим.
Айвонимда осилгандир,
Минг асрлик яқтагинг.
Неча сўниб, ёнди қуёш,
Сен ботмадинг, офтобим.
Бешигида бек туғилган,
Султон маним Ватаним!

Сен Навоий илдиҳисан,
Сен Бобурнинг шонисан.
Қурдистонда лола бўлган,
Мангуберди қонисан.
Сен Қодирий кийган чопон —
Узилган енг-ёнисан.
Буюқлари кўкка кўчган,
Осмон маним Ватаним!

Керак бўлса, соқчинг бўлиб,
Қоратоғда ётгайман.
Керак бўлса, Темур Малик
Бўлиб қилич чопгайман.
Керак бўлса, шеърим ўқиб,
Дунёнигга ўт ёқсайман.
Сен Бухоро хонгулис,
Жайрон маним Ватаним!

Буюр, юртим, осмонни ер,
Ерни осмон этарман.
Буюр, юртим, ҳар панжамни
Бир арслон этарман.
Ўзбекистон туғинг қаддин,
То Тянь-Шан этарман.
Ўзинг Садойига жону
Жаҳон маним Ватаним!..


ОНАЖОН

Шунчаки йиқилдим, кўркма, онажон,
Даст туриб... келаман, ҳозир ўзимга.
Сен дуо айласанг, кесмагай ишон,
Ҳанжар урганда ҳам ёвлар кўксимга.

Шунчаки йиқилдим, кўркма, онажон,
Рақиб чалгани йўқ, снидиргани йўқ.
Сен дуо айласанг, қоларман омон,
Бағримга ботса ҳам душман отган ўқ.

Шунчаки йиқилдим, кўркма, онажон,
Даст туриб кетаман ётган еримдан.
Сен дуо айласанг, онажон, ишон,
Тоғлар пастлаб қолар хатто бўйимдан.

Шунчаки йиқилдим, кўркма, онажон,
Даст туриб, минарман шайлаб Ғиротим.
Сен дуо айласанг, онажон, ишон -
Хали... осмонларга тегар қанотим!..



барча ватандошларимизни
2021 — Янги йил байрами билан
самимий табриклайди.
2021 йил яхши ниятли ҳар бир
инсон учун омадли бўлсин!

ЎЗБЕКISTON БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

ТАБИАТ — ИЖОД МАНБАИ

Ўзбекистон Бадий кўрғазмалар дирекциясининг Марказий кўрғазмалар залида очилган “Табиат ва рассом” экспозициясида намоиш этилаётган бир юз эликдан зиёд асарнинг ҳар бирида она Ватанимизга, бебаҳо табиат манзараларига меҳр-муҳаббат яққол намоён бўлиб турибди. Экспозицияда ўтган аср бошларида Усто Мўмин, В.Рождественский, В.Кайдалов, В.Кедрин каби рассомларнинг табиат қўйнида асар яратиш аънанасини давом эттираётган ёш рассомлар асарлари ўрин олган. Достон Рузиевнинг “Балиқчи болалар”, Рустам Бозоровнинг “Инсонлар ҳам парвоз қилганда”, “Чойхона” асарлари, Иброҳим Валихўжаевнинг композицияси, В.Енин ва В.Трошиннинг қиш фаслига бағишланган полотноларида манзараларнинг табиийлиги ва ҳаққонийлиги кўзга ташланади. Кўрғазманинг нуфузли иштирокчилари — танikli кулол Назира Қўзиева, ҳайкалтарошлар Марина Бородина, Людвиг Нестерович тош, темир, лой сингари мураккаб жисмлар нафақат табиат гўзаллигини, балки турли ҳодисалар таъсирида гаройиб шакллarga айланишини ҳам намоиш этдилар.



Хурида Намозбоева: “Довон йўли”.

Анвар Мамажоновнинг графика асарлари нафислиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. 2020 йили орамиздан кетган маҳоратли педагог, манзарачи рассом Ҳақим Мирза-ахмедовнинг асарлари Ўзбекистоннинг турли музейларида сақланиб келинмоқда. Ушбу кўрғазмада Бадий кўрғазмалар дирекцияси ва унинг оила аъзолари томонидан ижодкорнинг хотирасига бағишлаб охириги йилларда яратган асарлари намоиш этилмоқда. Кўрғазмага қўйилган асарларнинг аксариятида муаллифлар табиат кўринишларини асл ҳолида тасвирлаган бўлсалар, баъзи асарларда табиат ҳаёлий композицияларга айланган. Шундай бўлса-да, ижодий ғояларнинг бирламчи манбаси, асоси она табиатдир.

Сарвара ҚОСИМОВА

ТАҚДИМОТ

МАҚОМГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР

Мамлакатимизнинг турли нукталарида туғилиб, ўзининг соҳир овози ва мусиқага ошуфта некин фитрати ила мақом санъатиға улкан ҳисса қўшиб келаётган ижрочиларни бағрида жамлаган Ўзбек миллий мақом санъати маркази қўллаб-қўлловчи илмий ва ижодий тадбирлар ташкил этиб келаётгани ҳаммага маълум. Яқинда ушбу марказда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мақом санъати ва унинг тадқиқига бағишланган китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Танikli олим Зокиржон Орипов қала-

мига мансуб “Арабча мусиқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти” илмий монографияси манбашунослар, мусиқашунослар ва айни йўналишда таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан тайёрланган “Юнус Ражабий номдаги мақом ансамблининг 60 йиллик ижодий ва амалий фаолиятига бағишланган мақолалар тўплами” ҳам муҳлисларга тақдим этилди. Лойиҳа раҳбари Сойибжон Бегматов, тузувчи Азиз Зокиров, муҳаррир Нуриддин Аминжонов. Икки бўлимдан иборат мақом ансамбли тарихи

ва мақом ансамбли жамоасининг фидокор ижодкорлари ҳақидаги мақолаларни ўз ичига олади. Тақдимотнинг асосий воқеаси С.Бегматов ва Н.Аминжонов томонидан тузилган, М.Тожибоев маъсул муҳаррирлигида тайёрланган “Юнус Ражабий номдаги мақом ансамбли” (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) суратли альбом бўлиб, у “Ўзвотсаном” акциядорлик жамияти ҳомийлигида чоп этилган. Фотоальбом 1959–2019-йиллар оралиғидаги мақом санъатининг юртимиздаги амалиёти, намоёндалари ва ижодиётига оид тарихни ўз ичига олган.

Шаҳодатбону ИМОМНАЗАРОВА

Шакрхана

Бир хоним Бернард Шоудан яхши ёзувчи бўлиши учун қандай ёши кераклигини сўради. Шоу жавоб берди:
— Чапдан ўнга қараб ёши керак.

Ёзувчи:
— Қандай даҳшат! Кеча кечқурун уйга келсам уч яшар ўғлим кўлгемаларини йиртиб ўтирибди.
— Йўз-е! Наҳотки, у ўқишни биладими?

— Навқирон дўстим, романингиз тугалланмай қолган, — деди муҳаррир бошловчи ёзувчиға.
— Ҳечқисим йўқ! Биласиз-ку, ҳозир ҳеч ким китобни охиригача ўқимайди.

Михаил Булгаковнинг касби шифокор эди, аммо ёзувчи сифатида шуҳрат қозонди.
— Мана, шифокорнинг хуснати чиройли бўлса шималарга эришиши мумкин экан, — дейишди унинг дўстлари.

Таваллуд кунлар

Акбар Раҳимов — 1 январь (1949) — кулол, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Марат Содиков — 1 январь (1945) — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Нурали Қобул — 2 январь (1950) — ёзувчи.

Ёқуб Аҳмедов — 3 январь (1938) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.

Шароф Бошбеков — 4 январь (1951) — ёзувчи, драматург.

Ғулوم Мирзо — 4 январь (1964) — шоир, таржимон.

МАТНАВИЙЯТ **САФЛАР**

Ортиқча сўздан тилини тиёлмаган одамнинг жиловы шайтон қўлидадир.

ЗАМАХШАРИЙ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси Ўқтам Саъдинга онаси **ОЙРЎЗИ** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси Оллаберган Пўлатовга ўғли **Баҳром ПЎЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.